2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 222 (1821), 2026 йил 27 октябрь, сешанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

МИЛЛИЙ КИНО – ЎЗЛИК, МИЛЛИЙ ҒУРУР ВА МИЛЛАТ ТАФАККУРИ КЎЗГУСИ

Президентимизнинг киноижодкорлар билан тарихий учрашувдаги стратегик ташаббуслари шарҳи





Кино халқларни дунёга танитадиган, ўрни келганда тан олдирадиган катта маънавий куч! Айни пайтда у халқларга ўзлигини англатиб, ёшлар тафаккурини миллий ғурур ила шакллантирадиган мафкуравий қалқондир!

Ўзининг шарафли тарихига эга “Ўзбекфильм” мана шундай вазифаларни имкон қадар бажариб келди. Ўзбек киноси дарғалари собиқ тузумнинг заррабин билан ҳар бир сўз ва лавҳадан сиёсий хато изловчиларни “чалғитиб”, минг бир азоб ва машаққатлар ила катта мактаб яратди. Ана шу назоратдан игна кўзидек бўш жой топиб, халқимиз характерини очиб берадиган, маънавиятимизга хизмат қиладиган асарлар яратилди. Жумладан, “Маҳаллада дув-дув гап”, “Ўтган кунлар”, “Шум бола”, “Чинор остидаги дуэль”, “Суюнчи” каби фильмлар халқимиз қалбидан чуқур жой олди. Мустақиллик йилларида эса “Абдуллажон”, “Отамдан қолган далалар”, “Дилхирож”, “Ватан”, “Ўтов” сингари асар экран юзини кўрди. Ушбу фильмларни олиш жараёнидаги иқтисодий қийинчиликларни эса соҳа ходимлари унутгани йўқ.

Кейинги йилларда ўзбек киносида ҳам туб янгиланишлар бўлди. Жумладан, киностудия тўлиқ реконструкция қилинди. Соҳани қўллаб-қувватлашга доир иккита фармон ва саккизта қарор қабул қилинди. Қуйидаги рақамларнинг ўзиёқ бажарилган ишлар кўламини аниқ кўрсатиб беради. Хусусан, фильмлар олиш учун давлат бюджетидан 2016 йилда 10 миллиард сўм ажратилган. Жорий йилда бу кўрсаткич 218 миллиард сўмни ташкил этди!

Муҳими, соҳага ўнлаб хусусий киностудиялар кириб келди. Ана шу жараёнда миллий кадрларнинг янги авлоди камол топди. Мамлакатимиз етакчисининг ташаббуси билан тарихимизни танитишга хизмат қиладиган “Исломхўжа”, “Ибрат”, “Авлоний”, “Абдулла Қодирий”, “Қўқон шамоли”, “Муқимий”, “Илҳақ”, “Ўзбек қизи”, “Баҳодир Ялангтўш” каби фильмлар яратилди. Яна бир қувончли ҳолат, яқинда “Олтин глобус” халқаро кино мукофоти доирасида Марказий Осиё ва Кавказ киноижодкорларини тақдирлаш маросими илк бор Тошкентда ўтказилди. Унда санъаткор Гулчеҳра Жамилова “Меридиан” мукофотига сазовор бўлди. Ҳа, кейинги йилларда соҳада ютуқлар кўзга ташлана бошлади.

Ҳаёт ҳаракатдир деган ҳақиқатни ҳам унутмаслик зарур. Яъни доим олға интилиш янги эшикларни очиш, имкониятларни кенгайтириш, муҳими, давр талабига мослашиб бориш заруратини ўртага қўяди. Президентимиз 26 октябрь куни кино соҳасига замонавий бошқарув усулларини жорий қилиш ва “O‘zbekfilm” миллий кино брендини яратиш юзасидан тақдимот билан танишди. Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари соҳа вакиллари билан мулоқот қилди.

Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚАТАР АМИРИ БИЛАН УЧРАШУВ ЎТКАЗДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 октябрь куни мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Қатар Давлати Амири Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний билан учрашув ўтказди.

Суҳбат аввалида Ўзбекистон ва Қатар ўртасидаги олий даражадаги фаол мулоқотлар ва тизимли ишлар натижасида алоқалар стратегик шериклик даражасига кўтарилгани мамнуният билан таъкидланди.

Бу каби яқин муносабатлар икки томонлама дўстлик ҳамда ҳамкорликни янада мустаҳкамлаши алоҳида эътироф этилди.

Учрашувда олий даражада эришилган келишувлар ижросининг бориши кўриб чиқилди. Савдо-иқтисодий, инвестициявий, ижтимоий ва гуманитар соҳалардаги лойиҳаларни янада кенгайтиришга аҳдлашиб олинди.

Етакчилар глобал ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

ЎзА

ТИББИЁТ СОҲАСИДА ИНФРАТУЗИЛМА ЯХШИЛАНИБ, ХУСУСИЙ СЕКТОР ИШТИРОКИ КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев тиббий инфратузилмани ягона мастер-режа асосида ривожлантириш ҳамда соғлиқни сақлаш тизимида хусусий сектор иштирокини кенгайтириш юзасидан тақдимот билан танишди.

Тиббиёт муассасаларини жойлаштириш, қуриш ва жиҳозлаш аҳолининг эҳтиёжига таянган ҳолда режалаштирилиши зарур. Ҳозир айрим ҳудудларда хизматлар тарқоқ ташкил этилган, шифо ўринлари нотўғри тақсимланган, эски бинолар ва ускуналардан фойдаланиш эса тиббий ёрдам сифатига таъсир қилмоқда.

Ишни мавжуд объектлар ҳақидаги аниқ маълумотларни шакллантиришдан бошлаш кўзда тутилган. Ўнта вилоятда ўтказилган хатловда соҳага тегишли 3 минг 499 та объект аниқланган. Бу Кадастр агентлиги маълумотларидагидан 494 тага кўп. Барча ҳудудларда хатловни якунлаш, объектларнинг электрон паспортларини шакллантириш ва соҳа кўчмас мулкининг ягона рақамли реестрини яратиш таклиф этилди.

Давоми 2-бетда

V ЁЗГИ ПАРАОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ҒОЛИБЛАРИ ВА ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Матонатли ва қаҳрамон ўғил-қизларим!

Ҳурматли устоз-мураббийлар!

Муҳтарам ота-оналар!

Аввало, барчангизни Японияда бўлиб ўтган V ёзги Параосиё ўйинларида Ўзбекистон жамоаси том маънода тарихий ғалабани қўлга киритгани билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Мард ва жасур фарзандларимиз Осиё қитъасининг 45 та давлатидан 2 минг 600 нафардан зиёд кучли пара спортчи иштирок этган ушбу нуфузли мусобақаларда чинакам жасорат ва матонат кўрсатиб, мамлакатимиз спорти тарихида яна бир шонли саҳифа очганлари барчамизга чексиз ғурур бағишлайди.

Сизлар қизғин ва муросасиз руҳда кечган беллашувларда 45 та олтин, 49 та кумуш ва 51 та бронза медални қўлга киритиб, Ватанимиз байроғини баланд кўтарганингиз юксак таҳсинга муносибдир.

Сизларнинг ҳар бир чиқишингизни юртимиздаги миллионлаб мухлисларингиз катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кузатиб борди.

Бутун Ўзбекистон халқи Яратгандан омад ва зафарлар тилаб, сизларни чин дилдан қўллаб-қувватлади.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш ва фармацевтика тизимини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш, тиббий хизматлар сифати ва самарадорлигини ошириш, соҳани тубдан ислоҳ этишга қаратилган дастурлар ижросини таъминлаш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, бой билим ва тажрибаси, профессионал маҳорати билан диагностика ва даволаш амалиётида илғор технологик ва инновацион усулларни кенг қўллаш, рақамли трансформацияни жадаллаштириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қўшган муносиб ҳиссаси, юқори малакали кадрларни тайёрлаш йўлидаги катта хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими” фахрий унвони билан

Даминов Ботир Тургунпулатович — Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази директори

Джураев Миржалол — Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг абдоминал жарроҳлик бўлими илмий раҳбари

Каримов Шавкат Ибрагимович — Республика хирургик ангионеврология ихтисослаштирилган маркази директори

Давоми 2-бетда

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ИНҚИЛОБИ

ёхуд мен нима учун Президентим билан ғурурланаман?

Сўнгги ўн йилликда амалга оширилган ва тез ёдимиздан кўтарилган дадил ислоҳотлардан бири “прописка” тизимининг бекор қилиниши бўлди.

Инсонларни давлат инвентарига айлантириб қўйган бу механизмнинг 2017 йилга келиб бекор қилиниши, албатта, тарихий жасорат, ҳақиқий ИНҚИЛОБ эди.

Шавкат Мирзиёев зиммасига олган масъулият фақатгина баргранг паспортларимизнинг “яшаш манзили” деган саҳифасига уриладиган муҳрни маҳв этишдангина иборат эмасди. Бу ёпиқ қозон ичидан чиқиб, Ватанингнинг исталган манзилида иш ва қўним топиш, кенгроқ маънода айтганда, озод инсондек яшаш эркинлиги дегани эди.



4-, 5-бетларга қаранг.

Делегациямизнинг 15 яшар аъзоси Бобурбек Тоштемиров пара велоспортнинг трек баҳсларида Ўзбекистоннинг Параосиё ўйинларидаги биринчи олтин медалини қўлга киритиш билан бирга энг ёш чемпион сифатида ҳам тарихга кирди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 27 октябрь, 222-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Юсупов Азамат Фархадович — Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази директори

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвони билан

Ваисов Адхамджон — Тошкент давлат тиббиёт университетининг 1-дерматовенерология ва косметология кафедраси профессори

“Фидокорона хизматлари учун” ордени билан

Алиев Азиз Абдуллаевич — Қўқон шаҳри тиббиёт бирлашмасининг неврология бўлими шифокор-неврологи, Фарғона вилояти

Алимухамедова Назира Агзамовна — Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказининг клиник-диагностик лабораторияси лаборанти

“Меҳнат шуҳрати” ордени билан

Мамасадиков Нурилло Шукруллаевич — Фарғона шаҳридаги “Central Asian medical university” нодавлат таълим муассасаси таъсисчиси, Фарғона вилояти

I даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

Алиева Дилфуза Абдуллаевна — Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг “Оила ва никоҳ” маслаҳатхонаси мудири

Аляви Бахромхон Анисхонович — Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази директори

Ашуров Зарифжон Шарифович — Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт маркази директори

Кулджанов Жолдас — Америка Қўшма Штатлари Сент-Луис университети шифохонасининг ортопедия бўлими мудири

Сабиров Улуғбек Юсупхонович — Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази директори

Ташмухамедова Барно Эркиновна — Тошкент шаҳридаги 1-болалар клиник шифохонасининг чақалоқлар патологияси бўлими мудири

Туляганов Даврон Бахтиярович — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази бош директори

Фозилов Хуршид Ғайратович — Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази директори

II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

Ахмедова Олия Маматқуловна — Қашқадарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг аллергология бўлими мудири

Бабажанова Шахида Дадажановна — Республика перинатал марказининг акушерлик бўлими мудири

Бобоева Нодира Исроиловна — Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд вилояти филиали туғуруқ бўлими дояси

Болкунова Фаина Владимировна — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг давлат илмий тиббиёт кутубхонаси раҳбари

Киличев Ибадулла Абдуллаевич — Урганч давлат тиббиёт институтининг асаб касалликлари, тиббиёт психологияси ва психотерапия кафедраси профессори, Хоразм вилояти

Саидазизова Шахло Хибзиддиновна — Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Узлуксиз Тиббий таълим миллий институтининг болалик даври асаб касалликлари кафедраси доценти

Юсупова Наргиза Сотволдиевна — Асака тумани маслаҳат-диагностика бўлимининг болалар шифокор-невропатологи, Андижон вилояти

“Дўстлик” ордени билан

Акико Фужи — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили

Аюбий Эисахан Аюб — Америка Қўшма Штатлари “Project C.U.R.E.” ташкилотининг ҳукумат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик бўйича бош директори

Баиев Хасан Жунидович — Россия Федерациясининг Е.П.Глинка номидаги Республика болалар клиник шифохонаси юз-жағ ва пластик жарроҳи

Гизатулина Назира Расуловна — Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг реанимация бўлими анестезиолог-реаниматологи

Мусаев Ахмет Юсупович — Элликқалъа тумани тиббиёт бирлашмасининг болалар реанимацияси бўлими шифокор-реаниматологи, Қорақалпоғистон Республикаси

Пак Антонина Аликовна — Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг скрининг-тиббий маслаҳат бўлими шифокор-генетиги

Тойимбетова Галия Калабаевна — Зарафшон шаҳар кўп тармоқли марказий шифохонасининг юқумли касалликлар бўлими шифокори, Навоий вилояти

Царева Виктория Эдуардовна — Академик Ё.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент шаҳар филиали бош шифокори

Усманова Паризод Абдикаюмовна — Республика болалар фтизиатрия ва таянч-ҳаракат тизими касалликлари реабилитацияси маркази директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари

I даражали “Саломатлик” ордени билан

Каримов Абдуфаррух Абдусатарович — Академик Ё.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг нейрохирургия бўлими илмий раҳбари

Разикова Илмира Садуллаевна — Республика ихтисослаштирилган аллергология ва клиник иммунология илмий-амалий тиббиёт маркази директори

Рахматов Набижон Салиевич — Тўрақўрғон туманидаги “Янгиобод” оилавий поликлиникаси оилавий шифокори, Наманган вилояти

II даражали “Саломатлик” ордени билан

Бегманов Бахит Қудайбергенович — Шуманай туманидаги “Қарабайли” оилавий шифокорлик пунктининг оилавий шифокори, Қорақалпоғистон Республикаси

Бобоқулова Ойсанам Рахматовна — Яккабоғ туманидаги “Саломатлик” хусусий клиникаси раҳбари, Қашқадарё вилояти

Ганиев Тулкунжан Гапирович — Тиббиёт бош бошқармасининг марказий клиник шифохонаси кардиология бўлими мудири

Ёқубов Ахрор Туйичиевич — Учтепа туманидаги “Jacksoft medical diagnostics services” хусусий клиникаси нейрожарроҳи, Тошкент шаҳри

Комилова Хури — Пискент тумани тиббиёт бирлашмасининг ички дорихонаси провизори, Тошкент вилояти

Камилова Алтиной Турсунбаевна — Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказининг гастроэнтерология илмий бўлими мудири

Каюмов Тахир Поттахович — Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказининг бош шифокори

Қодирова Раъно Ганиевна — Зангиота тумани юқумли касалликлар шифохонасининг бош шифокори, Тошкент вилояти

Мустафакулова Сахиба Евгашевна — Шароф Рашидов тумани тиббиёт бирлашмасининг Равот бўлими мудири, Жиззах вилояти

Насретдинова Шохида Давранбековна — Андижон шаҳридаги 6-оилавий поликлиникаси бош шифокори, Андижон вилояти

Омонов Олим Муродуллаевич — Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари

Усманова Гулнара Махамаджановна — Тошкент тиббиёт университетининг кўп тармоқли клиникаси бош ҳамшираси

Холбекова Хакимахон Исмаиловна — Мирзаобод туманидаги 17-оилавий поликлиникаси оилавий шифокори, Сирдарё вилояти

Чариева Салима Ибрагимовна — Қумқўрғон туманидаги 34-оилавий поликлиникаси мудири, Сурхондарё вилояти

Элов Боймурод Дилмуродович — Бухоро ногиронлиги бўлган аёллар учун “Ғамхўрлик” маркази шифокор-терапевти, Бухоро вилояти

Эргашова Мукарамой Журабаевна — Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги марказининг фармако-токсикологик таҳлил лабораторияси мудири

“Жасорат” медали билан

Бурибаева Араилим Кидировна — Республика тез тиббий ёрдам марказининг Пешку тумани бўлими ҳамшираси, Бухоро вилояти

Мирзаева Шоҳзода Бердиёровна — Кўкдала тумани тиббиёт бирлашмасининг реанимация бўлими мудири, Қашқадарё вилояти

Уразбаева Светлана Турдимуратовна — Мўйноқ туманидаги “Қозоқдарё” оилавий шифокорлик пункти катта ҳамшираси, Қорақалпоғистон Республикаси

“Содиқ хизматлари учун” медали билан

Ботиров Мейли Тураевич — Республика тез тиббий ёрдам марказининг Косон тумани бўлими ҳайдовчиси, Қашқадарё вилояти

Гимранов Эмиль Илдарович — “UZINFOCOM” масъулияти чекланган жамияти бош директори

Махмудова Азиза Джумановна — Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари

Нарзуллаев Абдигафур Уракович — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Ногиронлиги бўлган шахсларнинг функционаллигини баҳолаш бошқармаси бош мутахассиси

“Соғлом турмуш” медали билан

Ахмедова Шаҳло Абдумуминовна — Арнасой тумани кўп тармоқли марказий поликлиникасининг патронаж ҳамшираси, Жиззах вилояти

Ибрагимов Дилшоджон Соатиллаевич — Республика тез тиббий ёрдам марказининг Давлатобод тумани бўлими фельдшери, Наманган вилояти

Кадирова Флора Закировна — Тиббиёт бош бошқармасининг 1-марказий консультатив-диагностик поликлиникаси жарроҳлик бўлими шифокор-оториноларингологи

Касимов Абдунаби Кадирович — Чилонзор туманидаги “Radiks” фармацевтика корхонаси таъсисчиси, Тошкент шаҳри

Тўраев Зафар Актамович — Хатирчи туманидаги 28-оилавий поликлиникаси оилавий шифокори, Навоий вилояти

Худайбердиева Махсуда Буриевна — Ангор тумани санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими санитария шифокори, Сурхондарё вилояти

Шоимқулова Малика — Бекобод туманидаги “Янгиҳаёт” оилавий шифокорлик пункти оилавий шифокори, Тошкент вилояти

Шукуров Шухрат Уткурович — Аҳоли саломатлигини таҳлил қилиш илмий-тадқиқот марказининг давлат соғлиқни сақлаш сиёсати самарадорлигини баҳолаш бошқармаси бош мутахассиси

“Келажак бунёдкори” медали билан

Иномов Фирдавс Улуғбек ўғли — Болалар миллий тиббиёт марказининг маслаҳат ва диагностика бўлими шифокор-неврологи

“Шуҳрат” медали билан

Абдуназаров Эркин Ғуломович — Республика тез тиббий ёрдам марказининг Бувайда тумани бўлими ҳайдовчиси, Фарғона вилояти

Абдурахмонова Саноат Абдурафиковна — Самарқанд тумани соғлиқни сақлаш бўлими катта ҳамшираси, Самарқанд вилояти

Ахмедова Наргиза Махмудовна — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали шошилинч кардиология ва терапия бўлими шифокор-кардиологи, Бухоро вилояти

Закирова Зебо Анвар қизи — Сирдарё тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси IT-оператори, Сирдарё вилояти

Кутлимуратова Энахан Эгамбергеновна — Оролбўйи минтақаси ихтисослаштирилган кардиология ва кардиохирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг поликлиника бўлими диагностика шифокори, Хоразм вилояти

Мурталибова Нодира Мирмаксудовна — Болалар миллий тиббиёт марказининг нефрология ва гемодиализ бўлими шифокор-нефрологи

Муртазаев Нозимжон Неъматович — Миллий тиббиёт марказининг нейрореанимация бўлими шифокор-неврологи

Низамов Улугбек Иргашевич — Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари

Насиров Мансур Мухторович — Болалар миллий тиббиёт марказининг кам инвазив хирургия, трансплантология ва ортопедия бўлими мудири

Омонов Фахриддин Сапарович — Республика тез тиббий ёрдам марказининг Оққўрғон тумани бўлими фельдшери, Тошкент вилояти

Соатова Рано Ахматовна — Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказининг хирургия реанимацияси бўлими кичик тиббий ходими

Тошбўлова Мухайё Эгамқуловна — Жиззах ногиронлиги бўлган аёллар учун “Ғамхўрлик” марказининг кичик тиббий ходими, Жиззах вилояти

Умирзоков Низомиддин Апаевич — Республика тез тиббий ёрдам марказининг Пахтачи тумани бўлими ҳайдовчиси, Самарқанд вилояти

Усмонов Саидаъло Комилжон ўғли — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг стандартлар ва клиник қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш бошқармаси бошлиғи

Усмонов Шухрат Уразали ўғли — Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказининг реабилитация бўлими мудири

Шоабсаров Абдушоҳид Аслонович — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг куйганлар токсикология реанимацияси бўлими мудири

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2026 йил 26 октябрь

Ш. МИРЗИЁЕВ

V ЁЗГИ ПАРАОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ҒОЛИБЛАРИ ВА ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Бошланиши 1-бетда

Айниқса, сизлар улкан азму шижоатингиз билан спорти жадал ривожланаётган Ҳиндистон, Жанубий Корея, Эрон, Таиланд, Индонезия каби давлатлар жамоаларини ортда қолдириб, Хитой Халқ Республикаси ва Япониядан кейин учинчи ўринни забт этганингиз — чинакам қаҳрамонликдир.

Сизлар Параосиё ўйинларида нафақат чемпионлик мақомини, балки бутун халқимизнинг ишончини, Ватанимиз шаъни ва ғурурини муносиб ҳимоя қилдингиз.

Ўзбекистон спорт делегацияси қўлга киритган олтин медалларнинг тенг ярми қизларимиз ҳиссасига тўғри келганини алоҳида мамнуният билан таъкидлашни истардим.

Шиддатли баҳсларда юртдошларимиз жаҳон ва Осиё рекордларини янгилаб, ўзбек пара спортининг имкониятлари чексиз эканини яна бир бор исботладилар.

Пауэрлифтингчи қизимиз Рўза Қўзиева делегациямиз ҳисобига олтин медаль тақдим этиш билан бирга жаҳон рекордини ўрнатди. Мадина Мухторова, Каромат Омонова ядро улоқтиришда, Шаҳина Йигиталиева найза улоқтиришда, Наврўза Аҳмадова диск улоқтиришда, Хуршид Қодиров 100 метрга югуришда, Егор Болотов 100 метрга чалқанча сузиш ва 200 метрга комплекс сузиш дастурларида, делегациямиз таркибидаги энг ёш спортчиларимиздан 16 ёшли Лолахон Қодирова қизимиз 50 метрга эркин усулда сузишда Осиё рекордини қайд этди.

Бундан ташқари, пара велоспорт, пауэрлифтинг ва пара енгил атлетика спорт турлари бўйича ҳам 16 нафар вакилимиз Параосиё ўйинлари рекордини янгилашга муваффақ бўлди.

Дмитрий Хорлин тўртинчи бор, Бобиржон Омонов, Ҳусниддин Норбеков, Қудратиллохон Маъруфхўжаев, Фахриддин Ҳамроев учинчи бор Параосиё ўйинлари шоҳсупасига кўтарилган бўлса, Асила Мирзаёрова, Шаҳина Йигиталиева, Гулжоной Наимова, Рўза Қўзиева иккинчи маротаба қитъада тенгсиз эканини амалда тасдиқладилар.

Шунингдек, Мадина Мухторова, Наврўза Аҳмадова, Мубинабону Халилова рақибларига ҳеч бир имконият қолдирмасдан, икки карра, Хуршид Қодиров эса уч карра олтин медаль соҳибига айланди.

Параосиё ўйинларида биринчи марта иштирок этган Егор Болотов пара сузиш дастурларида 4 та олтин ва 1 та кумуш медални қўлга киритди.

Пара велоспорт бўйича жаҳон биринчилигида Ўзбекистонга илк тарихий олтин медални олиб келган делегациямиз байроқдори Маржона Пардабоева Параосиё беллашувларида ҳам етакчиликни сақлаб қолди ва икки карра Осиё чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.

Делегациямизнинг 15 яшар аъзоси Бобурбек Тоштемиров пара велоспортнинг трек баҳсларида Ўзбекистоннинг Параосиё ўйинларидаги биринчи олтин медалини қўлга киритиш билан бирга энг ёш чемпион сифатида ҳам тарихга кирди.

Буларнинг барчаси — сизларнинг тинимсиз меҳнатингиз, букилмас иродангиз, истеъдод ва маҳоратингиз, қолаверса, юртимизда инсон қадрини юксалтиришга қаратилган тизимли ишларимиз натижаси десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай довюрак ва паҳлавон фарзандларни тарбиялаган, эзгу интилишларингизни доимо қўллаб-қувватлаб келаётган ота-оналарингиз, моҳир ва жонкуяр мураббийларингизга чин юракдан миннатдорлик изҳор этаман.

Қадрли дўстлар!

Ҳурматли спортчилар!

Сизлар Аичи-Нагоя майдонларидаги ёркин ғалабангиз билан Янги Ўзбекистонда Паралимпия ҳаракати юқори босқичга кўтарилгани, бу йўлда янги олтин авлод шаклланганини бутун дунёга намоён этдингиз.

Бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: сизлар тақдирнинг ҳар қандай синовларига қарамасдан, фақат ғалаба, эзгу мақсад ва юксак марра сари интиладиган инсонларсиз. Мана шундай фазилатларингиз янада зиёда бўлсин!

Ишончим комил, Япония заминида эришилган натижа, тўпланган тажриба 2028 йил Лос-Анжелесда ўтадиган Паралимпия ўйинлари учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.

Сизлар жаҳоннинг ана шу энг нуфузли ўйинларига ҳам албатта муносиб тайёргарлик билан борасиз!

Келгуси фаолиятингиз янада ёркин зафарларга албатта бой бўлади!

Янги Ўзбекистоннинг буюк спорт солномасини яратишда сизларга ҳамиша омад ёр бўлсин, азиз фарзандларим!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ТИББИЁТ СОҲАСИДА ИНФРАТУЗИЛМА ЯХШИЛАНИБ, ХУСУСИЙ СЕКТОР ИШТИРОКИ КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Шу маълумотлар асосида 2026-2036 йилларга мўлжалланган тиббий инфратузилма мастер-режаларини амалга ошириш масаласи кўриб чиқилди. Ҳар бир ҳудуд бўйича аҳоли сони ва ўсиши, тиббий хизматларга эҳтиёж, муассасаларнинг қуввати ҳамда беморларнинг уларга етиб бориш вақти ҳисобга олинади. Мастер-режа қайси объектни сақлаб қолиш, бирлаштириш ёки реконструкция қилиш, янгисини қаерда қуриш, уни қандай жиҳозлаш ва қанча мутахассис зарурлигини белгилайди. Инвестиция дастурларини ҳам шу режалар асосида шакллантириш назарда тутилмоқда.

Тизимда муассасалар кўрсатадиган ёрдам даражасига қараб ўзаро боғланади. Мураккаб ва юқори технологик хизматлар таянч марказларда жамланади, туманларда эса базавий ва шошилинч тиббий ёрдам сақланади. Бирламчи бўғинни режалаштиришда қишлоқ ва олис аҳоли пунктлари ҳамда шаҳарлар учун алоҳида хизмат кўрсатиш меъёрлари қўлланади.

Бундай ёндашув зарурати Самарқанд вилояти мисолида кўрсатиб берилди. Вилоят аҳолисининг 80 фоизи туманларда яшайди, бироқ туманлар ҳиссасига шифо ўринларининг 41,7 фоизи тўғри келади. Мастер-режада тиббий ҳудудларни қайта ташкил этиш орқали туманлар улушини 67 фоизга етказиш, хизматларни аҳолига яқинлаштириш кўзда тутилган.

Самарқанд шаҳри, Ургут, Пастдарғом, Каттақўрғон, Иштихон ва Пайариқда янги шифохоналар қуриш ҳамда мавжудларини реконструкция қилиш режалари ҳақида ахборот берилди. Вилоят марказидаги ихтисослашган муассасаларни кўп тармоқли шифохоналар негизида қайта ташкил этиш, марказий лабораториялар, стерилизация ва ташхислаш хизматларини ривожлантириш таклиф қилинди. Ургут, Каттақўрғон ва Пастдарғомда 2030 йилгача жами 1 минг 500 та янги шифо ўрни яратиш назарда тутилмоқда.

Янги объектлар фақат бино қуриш билан чекланмаслиги таъкидланди. Поликлиника ва шифохоналарни лойиҳалашда беморлар ҳаракатини қулай ташкил этиш, инфекцион назорат, инклюзив муҳит ва хоналарни жиҳозлаш бўйича ягона талабларни жорий этиш таклиф қилинди. Даволашда эса халқаро тавсияларга асосланган клиник протоколларни миллий шароитга мослаштириш, амалиётга татбиқ этиш ва натижаларини мунтазам баҳолаш кўзда тутилмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимида хусусий сектор иштирокини кенгайтиришга доир қарор лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Унда тиббий ва ёрдамчи хизматларни, жумладан, гемодиализ, лаборатория диагностикаси, ташхислаш ҳамда ускуналарга техник хизмат кўрсатишни аутсорсинг асосида харид қилиш таклиф этилган. Бир йиллик шартномалар ўрнига беш йилгача бўлган ҳамкорлик механизмларини қўллаш хусусий шерикларга ускуна ва хизматларга узоқ муддатли сармоя киритиш имконини беради.

Бунда давлат тиббиёт муассасаси хизматни харид қилади, хусусий ташкилот эса зарур ускунани ўз ҳисобидан олиб келиб, унинг ишлаши ва янгиланишини таъминлайди. Харидларни ташкил этиш учун ягона тендер ҳужжатлари ва электрон тизим жорий этиш, айрим муассасаларни профессионал компанияларга бошқарувга бериш имкониятлари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари тақдимот қилинган таклифларни пухта ишлаб чиқиб, босқичма-босқич амалиётга жорий қилиш юзасидан мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

ЎзА

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

2026 йил 27 октябрь, 222-сон

Давлатимиз раҳбарининг киноижодкорлар билан қилган мулоқоти қувончли янгиликларга бой бўлди. Соҳа фидойилари йиллар давомида орзу қилиб юрган ниятлари ижобат бўлиб, кутилганидан ҳам кўра кўпроқ имкониятлар эшиги очилди. Жумладан, “Ўзбекфильм кино шаҳарчаси” ташкил этилади.

МИЛЛИЙ КИНО – ЎЗЛИК, МИЛЛИЙ ҒУРУР ВА МИЛЛАТ ТАФАККУРИ КЎЗГУСИ

Бошланиши 1-бетда

Очиқ, самимий руҳда ўтган учрашувда мамлакатмиз етакчиси эришилган натижалар билан бирга муаммоларни ҳам очиқ кўрсатиб ўтди. Очиғи, бугун ижтимоий тармоқлар ривожлангани учун одамлар кинотеатрга бормай қўйди, деймиз. Лекин хорижий фильмлар намойишида кинозаллар тўляпти. Ҳа, томошабин кинотеатрларга боришдан воз кечгани йўқ. Фақат унинг диди ва талаби ўзгарган. Масала шундаки, бугунги томошабин талабга жавоб берадиган фильмни ишлаб чиқаришдан томошабинга етказишгача бўлган яхлит занжир — дистрибуция шаклланмаган. Шунингдек, профессионал кинотанқидчилар фикри билан етарлича ҳисоблашилмаяпти. Таҳлил, танқид аслида саралаш, яхши асарларни бошқаларга танитиш, камчиликлар келгусида такрорланмаслиги учун муҳим заминдир.

Яна бир жиҳат. Амалдаги давлат буюртмаси ва хариди тизими замонавий киноиндустрия талабларига жавоб бермаяпти. Масалан, бир вақтнинг ўзида битта режиссёрга олтитагача, бир муаллифга еттитагача лойиҳа бириктирилган. Буюртмаларнинг деярли ярми давлат студияларига берилган. Оқибатда хусусий ижодкорларнинг тенг рақобат қилиш имкони чекланган. Кино — ижод. У эркинликни хуш кўради. Шу боис, ижодкорлардан фильмни оддий товар ёки қурилиш объекти каби техник топшириқ асосида харид қилиш тўғри эмас. Давлатимиз раҳбари шу каби ҳолатларни таҳлил этар экан:

— Аслида, ижодкор меҳнатининг натижаси томошабинни чуқур ўйга солиб, қалбида из қолдирган фильм билан ўлчаниши керак, — деди.

Мамлакатимиз етакчиси кино халқлар бир-бирини танишига хизмат қилишини, ўз тарихи, маданияти ва миллий қаҳрамонларини жаҳон экранларида муносиб кўрсата олган мамлакатнинг овози ва таъсири кенгайишини таъкидлади. Кино бугун мамлакатнинг халқаро нуфузини оширадиган “юмшоқ куч”га айланган. У фарзандларимиз онги ва дунёқарашини шакллантиришда ҳам катта аҳамиятга эга.

Президентимиз “Ўз” ғоясини илгари сурган эди. Киноижодкорлар билан учрашувда ушбу ғоянинг ушбу санъатдаги ифодасини “Ўзлигимизни англаб, ўз ҳикоямизни ўз овозимиз билан дунёга айтиш” деб таърифлади. Очиғи, ўзлик деган олис тарих кўз олдимизга келади. Аммо бугун ҳам биз билан елкадош бўлиб, мана шу халқ, ватан учун меҳнат қилаётган қаҳрамонлар кўп. Демак, “Ўз” ғоясини кино орқали англашимиз учун нафақат аждодлар, балки замондошларимиз тимсолини ҳам экранда шакллантириш зарур. Мамлакатимиз етакчиси, ўқитувчилар, шифокорлар, спортчилар, Ватан ҳимоячилари, тадбиркорлар, қурувчилар ва ёшларнинг ҳаёти таъсирли фильмлар учун катта мавзу эканини қайд этди.

— Фарзандларимиз шундай қаҳрамонларда ўзини кўрсин, ўз кучига ишонсин, ўз юртининг келажагига дахлдорлигини ҳис этсин! — деди давлатимиз раҳбари.

Орзудаги экин ижодий муҳитни яратиш, замон қаҳрамонларини XXI аср томошабинига маъқул келадиган тарзда катта экранга олиб чиқиш соҳада ислоҳотлар олиб боришни талаб этмоқда. Президентимиз ана шу жараёнларни тўла қамраб оладиган янги ва ҳаётбахш ташаббусларни илгари сурди.

Хусусан, миллий кинони ривожлантириш учун соҳани бошқариш, молиялаштириш ва фильм яратиш вазифалари аниқ ажратилади. Бунинг учун Кинематография агентлиги тугатилиб, давлат сиёсатини юритиш ваколати Маданият вазирлигига ўтказилади. Вазирликда Кино санъати департаменти ташкил этилади. Унинг раҳбари мақоми вазир ўринбосарига тенглаштирилади. Масъулларга бир ойда янги департамент ишини йўлга қўйиш ва агентлик тизимини тугатиш ишларини якунлаш топширилди.

Давлат муассасаси бўлган “Ўзбекфильм” тугатилади. Унинг ўрнида замонавий бизнес модели асосида ишлайдиган “Ўзбекфильм” миллий кинокомпанияси ташкил этилади. Эътиборлиси, компаниянинг ўзи фильм ишлаб чиқармайди. У лойиҳаларни танлаш ва молиялаштириш, фильмларни тарғиб қилиш, тарқатиш ҳамда халқаро бозорлар, фестивалларга олиб чиқиш билан шуғулланади. Ўз ўрнида филмьларни яратиш тўлиқ хусусий секторга ўтади. Кино санъати миллий давлатчиликнинг энг самарали тарғиботи, айни дамда мамлакат иқтисодига катта ҳисса қўшиши мумкин бўлган йирик саноат ҳамдир. Яъни томошабин талабига мос асарлар катта фойда келтиради. Айни пайтда бундай асарни яратишда ижодий ва иқтисодий эркинлик зарур. Шу боис, киноларни молиялаштиришда давлат буюртмаси бекор қилинади. Унинг ўрнига субсидия асосида қўллаб-қувватлаш тизими жорий этилади.

— Бундан буён давлат фильмнинг буюртмачиси эмас, ижодкорлар ва хусусий секторнинг ишончли ҳамкори бўлади, — деди Президентимиз.

Таъкидланганидек, янги тизимда техник топшириқларга эмас, ижодий жараён ва унинг талабларига устуворлик берилади. Молиялаштириш механизмини бир ойда жорий этиш, келгуси йилдан бошлаб миллий кинокомпания сўровига кўра ҳар йили бюджетдан тегишли маблағ ажратиб бориш топширилди.

Давлатимиз раҳбарининг киноижодкорлар билан мулоқоти қувончли янгиликларга бой бўлди. Соҳа фидойилари йиллар давомида орзу қилиб юрган ниятлар ижобат бўлиб, кутилганидан ҳам кўра кўпроқ имкониятлар эшиги очилди. Жумладан, “Ўзбекфильм кино шаҳарчаси” ташкил этилади. “Ўзбекфильм”нинг 10 гектар ҳудудида барпо қилинадиган шаҳарча кино хизматларини ўзида жамлаган ягона индустриал кластер бўлади. Бунинг учун 400 миллиард сўм йўналтирилади. Бундан ташқари, “Кино шаҳарчаси”да қуриладиган замонавий Дубляж ва овозлаштириш маркази учун 80 миллиард сўм ажратилади. Икки ойда шаҳарчанинг мастер-режаси ва лойиҳа-сметасини ишлаб чиқиш, қурилишни кейинги йил март ойидан бошлаш вазифаси қўйилди.

Қуйи Чирчиқ туманида замонавий талаблар асосида таъмирланган “Кўҳинур” сиҳатгоҳи тўлиғича киноижодкорлар ихтиёрига берилади. Шунингдек, ҳар йили соҳанинг камида 300 ходимига республика сиҳатгоҳларида дам олиш ва даволаниш учун бепул йўлланма берилади.

Таҳлил ва танқид соҳа ривожига хизмат қилади дея таъкидлаган эдик. Президентимиз соҳадаги мазкур бўшлиқни ҳам тўлдириш вазифасини кўрсатиб ўтди. Хусусан, “Киношунослар клуби” ташкил этилади. У соҳада илм, таҳлил ва профессионал танқидчиликни ривожлантиришга хизмат қилади. Айни ўринда ява бир ҳақиқатни тан олиш керак. Глобал дунёда ўз қобиғидан чиқиб, халқаро мезонлар асосида ишлаганлар ютади. Чунки глобаллик кенг танловларни тақдим этади. Ана шу рақобат муҳитида эса ўзига хослик, замон талабини олдиндан ҳис этиш самара беради. Бу, албатта, таҳлилчилар, соҳа билимдонларининг вазифаси. Шу боис, Миллий кинокомпания “Киношунослар клуби”нинг фаолиятини қўллаб-қувватлайди. Халқаро кинотанқидчилар федерацияси — FIPRESCIга аъзо бўлишига кўмаклашади.

Шунингдек, Ўзбекистон кино соҳаси вакиллари палатаси тузиладиган бўлди. Бунинг учун Ўзбекистон Кино арбоблари ва Ўзбекистон кино саноати вакиллари уюшмалари бирлаштирилади. Янги палата ижодкорларнинг муаллифлик ҳуқуқлари ва касбий манфаатларини ҳимоя қилади. Ёшларнинг профессионал ўсишига кўмаклашади. Ёш киноижодкорларнинг хорижда малака ошириши қўллаб-қувватланади.

Ҳар бир соҳада миллий бренд яратишни даврнинг ўзи талаб этмоқда. Бренд ўзимизни танитишдир. Ўзликни англаш эса, аввало, жамиятда шаклланади. Сўнг халқаро майдонда қулоч ёзади. Шу боис, Президентимизнинг “Ўзбекфильм” номини миллий киномизнинг ягона бренди сифатида мустаҳкамлаш таклифи учрашувга янада кўтаринки руҳ берди. Ушбу брендни яратиш учун амалий ташаббуслар илгари сурилди. Жумладан, ҳозирги Чилонзор кўчасининг ушбу қисмига “Ўзбекфильм” номини бериладиган бўлди. Кино санъати музейи, Кино санъати саройи ва Миллий кинофондни ҳам шу ном остида бирлаштирилади.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари тажрибали киноижодкорлар ва ёшларнинг фикрларини тинглади. Очиқ, самимий руҳдаги мулоқот чоғида ижодкорларнинг ташаббуслари қўллаб-қувватланди. Яхши кино яратиш учун ҳалол меҳнат, ватанпарварлик ва халқимизни севиб ижод қилиш зарурлиги айтилди.

— Сизларга ишонаман, ўзлигимиздан куч олиб, бугунги ҳаётимизни теран англаб, миллий киномизнинг янги саҳифасини биргаликда ярата оламиз, — деди Президентимиз.

Шундан сўнг Президентимиз Абу Али ибн Синонинг болалигига бағишланган “Ҳусайн” тарихий-бадиий фильмининг суратга олиш майдони билан танишди. Ушбу асар Болалар контентини ривожлантириш маркази буюртмаси асосида суратга олинмоқда. Унинг ишонарли чиқиши учун “Ўзбекфильм” киностудиясида алломa яшаган давр муҳитини акс эттирадиган декорациялар барпо этилган.

Давлатимиз раҳбари тарихий шаҳар деворлари, кўча ва бозор манзаралари, давр либослари ҳамда суратга олишда фойдаланиладиган буюмларни кўздан кечирди. Шу ерда киноижодкорлар билан мулоқот бўлди.

Президентимиз давлат миллий руҳдаги, буюк аждодларимиз ҳаётига бағишланган фильмлар яратилишига эътиборни янада кучайтиришини таъкидлади. Бу ерда барпо этилган декорацияларни юқори баҳолаб, бой тарихимиз ва алломаларимиз меросини кино тили орқали ёш авлодга етказиш, уларда ўз ўтмишига қизиқиш ва ифтихор туйғусини уйғотиш муҳимлигини таъкидлади.

“Ҳусайн” фильмини яратиш Абу Али ибн Сино илмий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш бўйича 2030 йилгача мўлжалланган “йўл харитаси”да белгиланган. Ҳужжатда аллома таваллудининг 1050 йиллигига тайёргарлик кўриш ҳам назарда тутилган. Шундан келиб чиқиб, фильмда ёш Ҳусайн ибн Абдуллоҳнинг табобатга муҳаббати, устозларига садоқати ва инсонпарварлиги тасвирланади. Асар орқали болаларга алломанинг илмга интилиши ва шахсий фазилатларини яқиндан танитиш кўзда тутилган.

Мулоқот чоғида илгари сурилган ташаббуслар ўзбек киносида янги тарих саҳифасини очди. Буни учрашувдан масрур қиёфада, янгиликларни бир-бирига такрорлаб қайтаётган киноижодкорлар юз-кўзида ҳам кўриш мумкин эди. Ёш киноижодкорларнинг қувончдан юрак уриши эшитиларди. Билдирилган ишонч ва берилган имкониятлардан қанот чиқариб учгудай енгил қадам ташлаб борарди. Ўрта авлод вакиллари улар билан ҳамқадам эканидан фахрланар, кекса авлод эса кечаги кунни бугунимиз билан қиёс этиб, гоҳ мамнун жилмайса, баъзан олис хотиралар гирдобида ўйга толарди. Турли авлод вакилларининг орзуси бир вақтда амалга ошса, мана шундай манзара касб этар экан-да!

Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ифтихор

Япониянинг Аичи-Нагоя шаҳарларида бўлиб ўтган V ёзги параосиё ўйинларида спортчиларимиз юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, мамлакатимиз параспорти тарихидаги энг юқори натижани қайд этди. Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари параатлетларимизга табрик йўллади.



ПАРАСПОРТЧИЛАРИМИЗНИНГ ТАРИХИЙ НАТИЖАСИ

Улар букилмас иродаси, сўнмас матонати, истеъдоди ва маҳорати билан рекордларни янгилади

“Сизлар Аичи-Нагоя майдонларидаги ёркин ғалабангиз билан Янги Ўзбекистонда Паралимпия ҳаракати юқори босқичга кўтарилгани, бу йўлда янги олтин авлод шаклланганини бутун дунёга намоён этдингиз.

Бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: сизлар тақдирнинг ҳар қандай синовларига қарамасдан, фақат ғалаба, эзгу мақсад ва юксак марра сари интиладиган инсонларсиз. Мана шундай фазилатларингиз янада зиёда бўлсин!”, дейилади табрикда.

“ Кунчиқар юрт заминида ўзбек байроғининг 45 марта юқори кўтарилгани кўп сонли халқимиз, паралимпия мухлисларини тўлқинлантирди. Спортчиларимизнинг шижоати, матонати охирги дақиқаларга қадар сўнмади. Бир сўз билан айтганда, Япония параосиё ўйинлари ўзбек параатлетларининг янги жамоасини кашф этди.





Мамлакатимизда параспорт йилдан йилга ривожланяпти. Бундан 3 йил аввал Ханчжоуда бўлиб ўтган параосиё ўйинларида ўзбек параатлетлари 25 олтин, 24 кумуш ва 30 бронза медаль билан 45 мамлакат орасида 8-поғонадан ўрин олган эди. Бу гал спортчиларимиз аввалги мусобақада кучли учликни якунлаб берган кунчиқар юрт вакилларига ҳам жиддий рақиб эканини кўрсатиб қўйди. Кетма-кет уч кун давомида хитойлик параспортчилардан сўнг медаль жамғариш бўйича Ўзбекистон 2-ўринда муқим турди.

Ўтган қисқа муддатда ўзбек делегацияси қандай йўл харитаси тузгани, каррасига ортган ютуқларимизнинг сир-синоати нимада экани рақобатчилару спорт олами мутахассисларини ҳам қизиқтириб қўйди. Бунинг сирли жиҳати йўқ, аслида. Муваффақиятларимиз замирида мамлакатимизда спортга қаратилаётган алоҳида эътибор, ногиронлиги бўлганларнинг имкониятини намоён этиши учун яратилаётган шарт-шароитлар мужассам. Бундан руҳланган спортчиларимиз инсон қадри ҳар қачонгидан улуғланаётган юртга муносиб фарзандлик мақсади билан майдонга тушяпти. Бешинчи параосиё ўйинлари буни яна бир карра исботлади. Шу маънода, у мамлакатимиз спорти тарихида ўзига хос воқеа сифатида муҳрланди.

Терма жамоамиз 145 (45 олтин, 49 кумуш ва 51 та бронза) медаль билан Хитой ва Япониядан кейин 3-ўринни эгаллади. Бу аввалги параосиё ўйинларига нисбатан 5 поғона юқори натижа дегани. Спортчиларимиз жаҳон ва Осиё рекордларини янгилаш баробарида параосиё ўйинлари рекордини ҳам ўрнатди. Албатта, бу осон бўлмади. Ҳақиқий маънода матонат, маҳорат ва ирода намойиш этилиб, сўнгги йилларда Ўзбекистонда параспорт қанчалик ривожлангани амалда кўрсатилди.

Кунчиқар юрт заминида ўзбек байроғининг 45 марта юқори кўтарилгани кўп сонли халқимиз, паралимпия мухлисларини тўлқинлантирди. Спортчиларимизнинг шижоати, матонати охирги дақиқаларга қадар сўнмади. Бир сўз билан айтганда, Япония параосиё ўйинлари ўзбек параатлетларининг янги жамоасини кашф этди.

Рўза Қўзиева (парапауэрлифтинг бўйича) жаҳон рекордини янгилаган бўлса, Мадина Мухторова (ядро ва диск улоқтириш), Наврўза Аҳмадова (ядро ва диск улоқтириш), Егор Болотов (100 метрга чалқанча сузиш), Лола Қодирова (50 метрга эркин усулда сузиш), Шаҳина Йигиталиева (найза улоқтириш) кучли иродаси ва матонати билан Осиё рекордини ўрнатди.

Ақидахон Ахтамова (парапауэрлифтинг), Маҳлиё Акрамова (клаб улоқтириш), Қудратиллохон Маъруфхўжаев (диск улоқтириш), Достон Қаҳҳоров (400 метрга югуриш), Бобуржон Омонов (ядро улоқтириш), Баротжон Бахтиёров (ядро улоқтириш), Асила Мирзаёрова (узунликка сакраш) каби спортчиларимиз эса параосиё ўйинлари рекордчиси деган номга сазовор бўлди.

Вакилларимиз орасидан Асила Мирзаёрованинг Осиё Паралимпия қўмитаси спортчилар қўмитаси аъзоси этиб сайлангани ҳам барчамизни руҳлантирди. Спортчимиз аёллар ўртасидаги Т11 классининг узунликка сакраш финалида 5,04 метр натижа билан олтин медални қўлга киритиб, параосиё ўйинлари рекордини ўрнатди. Шу тариқа мусобақадаги иштирокини битта олтин, битта кумуш ва битта бронза медаль билан якунлади.

— Президентимиз бизни кузатиб бораётганини эшитиб, жамоадошларимиз билан бениҳоя руҳландик, — дейди Параосиё ўйинлари ғолиби Муслима Одилова. — Ўзимнинг йўналишимда олтин медални қўлга киритдим. Сузиш беллашувида 10 спортчи қатнашдик ва 30 га яқин медалга сазовор бўлдик. Тўғри, қаердадир омадимиз келмади, қаердадир вақт етмади. Кейинги сафар бундан ҳам яхши натижаларга эришамиз. Зеро, олдимизда Лос-Анжелес мусобақаси турибди.

Баландликка сакраш бўйича баҳсларда иштирок этган Темурбек Ғиёсов ва яна кўплаб бронза ва кумуш медаль совриндорлари Лос-Анжелесда медалини олтинга айлантириш мақсадида эканини ишонч билан таъкидлади.

Ўз ўрнида шундай ирода ва матонат соҳибларига спортсевар халқимиз ҳам улкан ғалабалар учун миннатдорлик билдириб, тасаннолар айтмоқда. Бинобарин, одамлар энди энг чекка қишлоқлардаги иқтидорлилар ҳам санъат, илм-фан, спортнинг ортидан манаман деган давлатларда бемалол ўзини кўрсата олишини тушуниб етяпти. Айниқса, спорт инсонни бутун дунёга танитиши такрор-такрор ўз тасдиғини топяпти. Инклюзив таълим, ҳар томонлама алоҳида ғамхўрлик сабаб ногиронлиги бор йигит-қизлар ҳам жамият ҳаётида фаол иштирок этишга интиляпти. Хусусан, параспортчиларимиз эришаётган катта-катта ғалабалар бунинг яққол исботидир.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Ёзаётган мақоламга “инқилоб” ва “ғурур” тушунчаларини асосий ғоявий таянч сифатида танлаганим бежиз эмас. Зотан, Шавкат Миромонович бугунгача амалга оширган тарихий янгиланишлар моҳияти етарлича очиб берилгани йўқ.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 27 октябрь, 222-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ

ёхуд мен нима учун Президентим

Публицистик эссе

Бошидан бир гапни айтмоқчиман, аввало, жанр масаласида. Гарчи шакл публицистик бўлса-да, структура нуқтаи назаридан мазкур матн эссега тортиброқ кетди. Шу боис, ноанъанавийроқ бўлса-да, уни шундай аташни лозим топдим. Кейин, сарлавҳа борасида ҳам турли мулоҳазалар бўлиши мутлақо табиий деб ўйлайман. Элитар поэзиямизнинг анъанавий “саси” сезилиб турадиган бундай баландпарвоз сўзлар бугун нормал ўқувчини бездирганини яхши тушунаман. Аммо мени муаммо сўзларда эмас, уларни истифода этишда деган ишонч доимо умидлантириб туради. Ва, албатта, мақола давомида икки “ялтироқ” сўз — “инқилоб” (айниқса, бу атама бўйича чуқурроқ фикр билдирмоқчиман) ва “ғурур” истилоҳларига нисбатан даъволаримни асослашга ҳаракат қиламан. Ўйлайманки, айни жараённинг ўзи матнга қўйилган адабий тавсиф мақомини ҳам оқлайди.



Қудратилла РАФИҚОВ,
сиёсатшунос

I

Чили-франциялик машҳур драматург ва рассом Алехандро Ходоровски “Қафасда туғилган қушлар парвоз қилишни касаллик бўлса керак деб ўйлашади” деган эди.

Ўз даврида Пикассони ҳам мутаассир қилган айни афоризмни қарамлик ва озодлик, жўн айтганда, қуллик зеҳниятининг сўз орқали чизилган мукаммал тасвири дейиш мумкин. Мен жуда кўп мақолаларимда тафаккур озодлиги ҳақида гапирганман. Ва бугун шуни англаб етаётирманки, бу иш билан нафақат бир-икки одам, балки олимлар, зиёлиларнинг катта армияси шуғулланиши шарт ва зарур экан. Негаки жамиятнинг ўзгариши одамлар дунёқараши билан бевосита боғлиқ. Айни мулоҳазани Президентимиз жуда кўп ва таъсирли тарзда ифода этгани ҳам бежиз эмас. Жумладан, давлатимиз раҳбари **“Бугунги Ўзбекистон — кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас”,** дер экан бевосита одамларимиз онги тезроқ ўзгаришига ишора қилади. Ҳақиқат шундаки, бир асрдан ортиқ давр мобайнида тафаккурларимизга сингдирилган қарамлик таъсиридан чиқиб кетишимиз оғир кечаётир. Нафақат иқтисодиёт ва сиёсатда, балки кундалик турмушимиз, маданияту юриш-туришимизда ҳам кечаги кун “анъана”лари сезилиб туради. Ва бу жараёнлар бизнинг “ўзимиз”дан анча нари кетиб қолганимизни англатади.

Мен яқинда юртимизда тадқиқот олиб борган хорижлик бир антрополог олимнинг мақоласи билан танишдим. У кўтарган мавзусида нега ўзбек жамиятида одамлар кўпроқ бир хил тусдаги, масалан, оқ ва қора рангдаги уст-бош кийишни урф қилишгани ҳақида мулоҳаза юритади ва ўз фикрини, бу коммунистик мафкуранинг “маиший-маданий сиёсати” билан боғлиқ бўлиши мумкин дея хулосалайди.

Дарҳақиқат, мустамлакачилик яратган “миллий менталитет” нафақат анъана, балки “ким”лик коди” даражасига дўниб қолганини биз кўп ҳам пайқамаймиз. Оддий одамлар у ёқда турсин, академик доираларимизда ҳам бу мавзулар бугун жиддий муҳокама қилинаётганига шубҳа билан қарайман. Шунчаки мисол, айни дамда минтақамиз жамиятларида, дейлик, палов ўзбек ва тожикларнинг, бешбармоқ қозоқ ва қирғизларнинг миллий таоми дейилиши мутлақо ҳақиқат саналади. Ҳолбуки, социал маданиятимиздаги бундай “тартиб” аслида сунъий равишда сингдирилган бўлиши ҳам мумкинлиги ҳақида кам шубҳага борамиз ёки бу борада тушунчаларнинг умуман йўқлиги боис, конформизмга юз бурамиз.

“Совет даврида нафақат ошхона географияси, миллий уст-бошимиз ҳам марказдан “лойиҳалаштирилган” дейди келиб чиқиши қирғизистонлик бўлган АҚШлик тадқиқотчи Эрика Марат. Унингча, “...ҳар бир республикага номини берган этник гуруҳга стандартлаштирилган “анъанавий” таомлар ва кийиниш турларининг муайян тўплами тепадан белгилаб берилган. Кийим-кечакнинг турлича ҳаёт тарзи, иқлим шароитлари, ижтимоий мавқе ва вазифаларга мослаштирилган мураккаб кўринишлари ҳар бир совет республикаси учун битта стандарт либосгача соддалаштирилган”. Ушбу қараш нафақат ижтимоий-сиёсий, индустриал соҳалар, жумладан, қурилиш ва архитектурада ҳам ўз тажаллисини топган. Биргина ўтган асрнинг 40-70-йилларида Тошкентда амалга оширилган меъморчилик нафақат қурувчилик, балки сиёсат даражасидаги масалага айланганини зукко одамлар яхши билишади (Шу ерда айтиб кетай, бугун мен айнан бунёдкорлик ва давлат сиёсати, ҳукмрон мафкуралар ва оддий одамларнинг турмуш тарзи борасида кенгроқ гапиришни мақсад қилганман).

Тўғри, бугунгача “совет модернизми” сифатида талқин этиладиган “Чорсу” бозори, “Ўзбекистон” меҳмонхонаси, “Халқлар дўстлиги” саройи каби иншоотлар ўз даврининг беназир лойиҳалари эди. Аммо бу ансамбларни қуришда модернистик архитектурага маҳаллий идентлик сифатлари сингдирилиши ҳам сафарбарлик самимиятини шубҳадан холи қила олмади. Чунки ушбу бунёдкорлик “томирлари” илҳомни коммунистик мафкура сарчашмасидан олаётганди. Унга кўра, Тошкент советларнинг бутун Шарқдаги “витрина”си, қолаверса, социализмнинг мусулмон ўлкасидаги ғалабасини акс эттириши лозим эди (ушбу иддаолар меъморлар ҳисоботларида урғулангани архив ҳужжатларида муҳрланган).

Ўзи, умуман, тарихни кузатсангиз, бунёдкорлик сифатида талқин этиладиган жараёнлар аксарият ҳолларда ижтимоий-гуманитар ҳодисадан кўра, кўпроқ ҳокимиятнинг “сиёсий тили” вазифасини ўташга сафарбар қилинганига гувоҳ бўлишингиз мумкин (бу масалада ҳалироқ жаҳон тарихи ва қолаверса, ўзимизнинг яқин ўтмишдан ҳам мисоллар келтираман).

Ўрни келганда ўша давр қурилишлари ҳақида яна бир мулоҳазани айтмоқчиман. Ушбу масалада эски замонни қўмсовчилар бир фикрни илгари суришни яхши кўради: яъни собиқ тузум бизда урбанизация маданиятини пайдо қилди, кўплаб шаҳарлар қурди...

Очиғи, бу фикр билан оёқ тираб тортишмоқчи эмасман. Ҳақиқатан, ўтган асрнинг 30-80-йиллари давомида юртимизда ўнлаб янги шаҳарлар пайдо бўлди. Буни инкор қилиб бўлмайди. Аммо шу ерда, гарчи бундан мақсад “инсонларнинг бахту саодати” бўлмаса, унда муддао нима эди деган ҳақли саволга ҳам жавоб бериб кетиш керак. Масалан, Навоий, Олмалиқ, Ангрен, Учқудуқ, Зарафшон, Гулистон ва яна шундай ўнлаб масканларнинг бунёд этилишини бугун қандай шарҳласак тўғри бўлади?! Гапни чўзмай дарров айтаман, бу кентларнинг барчаси ўз характерига кўра моношаҳар (иқтисодий жиҳатдан бир асосий корхона ёки тармоққа таянган) лар эди. Яъни бунёдкорликдан мақсад ҳеч қачон инсон бўлмаган. Балки ер ости ва усти бойликларини инструментлаштириш режасининг бир қисми бўлган. Албатта, бундан ҳафсала пир бўлмаслиги керак. Чунки метрополиялар қадарига ўз перифериялари обод қилиш ва ёки маҳаллий аҳолининг пешонасини “ярқиратиш” ёзилган фаришталар деб ўйласак, хато қилган бўламиз. Биз мансуб “колониализм” эса инсоният тарихидаги бошқа турдошларига нисбатан “ахлоқий норасолиги” билан ҳам ажралиб турган. У инсондан кўра ғоянни афзал биладиган, ўз ғалабаси ва манфаати йўлида халқлардан восита сифатида фойдаланишдан-да тортинмайдиган глобал дунёдаги сиёсий субмаданият ўлароқ таассурот қолдиради бугун.

Шундай тузум ҳамда сиёсат, жонли бир ҳаётни кўрган одам энди “Инсон қадри учун” деган ғоя нима сабаб кун тартибига чиққанини ҳамда унинг аҳамиятини жуда яхши тушунади.

II

Юқорида Ходоровскидан келтирилган иқтибос бежиз эмас. Зотан, боя айтганимдек, бугун бизда постколониализм-мустамлакавий ҳукмронлик “оқибатлари” ва деколониализм-мустамлакачилик мероси, тафаккури, ҳукмронлик кўринишларини танқидий қайта кўриб чиқиш борасида амалий қадамлар сезилаётгани йўқ, десам, нотўғри гапирмаган бўламан.

Шу ўринда бир мулоҳазани баён этмоқчиман. Реал маънавий аҳволимиз “манзара”ларини бизда фандан кўра адабиёт ва санъат жабҳаси эртароқ, ўша “ошкоралик” замонларидан-да олдинроқ англаган ва уни поэтик услубда кўрсатишга ҳаракат қилган эди. Мисол учун, ўтган асрнинг 80-йилларида замонасининг машҳур режиссёри Марк Вайль “Ильхом” театрида Евгений Шварцнинг “Аждарҳо” эртагини саҳналаштирганди. Ушбу мажозга қурилган асарда шаҳар одамлари ўзлари қули бўлган кекса аждарҳони ўлдиргани келган баҳодирга қарши чиқади. Сабаб: улар бандиликка кўникиб қолишганида эди... Албатта, аллегориялар ўз-ўзидан туғилмайди. Ва Вайль ҳам турғунлик йилларида бу асарга бекорга мурожаат қилмаганди. Бироқ ҳозир гап адабиёт ёки санъат жанрлари ва яна метаморфозалар драматизми ҳақида эмас, масала орадан деярли қирқ йил ўтаётган бўлса-да, биз учун мудом айни мавзунинг эскирмай қолаётганида.

Аммо қизиқ парадокс шундаки, биз шу ҳолимизча ҳам демократиянинг юксак андозаларини талаб этиб хархаша қиламиз, баъзан. Қозоғистонлик жуда машҳур сиёсатчи бир замонлар киноя билан “Америкадагидек демократияни жорий қилишни истардик, лекин Қозоғистонда шунча америкаликни қаердан топамиз?” деганида катта эҳтимол билан шуни назарда тутган бўлса, ажабмас...

Шу мулоҳазалардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, бугун бизнинг олдимизга қўйиладиган энг катта ва фойдали савол “биз демократияга тайёрмизми, йўқми?”-дан кўра, кўпроқ “биз деколониализмни қандай тушунамиз?” бўлиши керакдек таассурот уйғотади одамда.

Айни маънода, матнда фойдаланилган икки аллегория восита ўлароқ мақсадни тўлиқ оқлайди. Таассуф шу ердаки, нафақат олим ёки мутахассис, балки қизиқувчан оддий инсон ҳам бугун жамиятимиз “томири”ни ушлаб, айни “ташхис” аломатларини сезиши мумкин. Ҳа, кўпчилигимиз мансуб анъанавий тафаккур Шварц эртагидаги шаҳар аҳолисининг аждарҳога муҳаббатини фавқулодда эслатиб юбориши билан одамдаги хавотирни кучайтиради, баъзан.

Мен бугунги кунларимизда ҳам ўтган замонларни соғинадиган, ҳозирги янгиланишлар ва ўзгаришларга кек билан қарайдиган, гугуртнинг бир тийин бўлганини мифлаштирадиган, эрк ва озодлик тўғрисида сўзловчиларга “касал”га қарагандай муносабат қиладиган жуда кўп одамларни биламан. Нафақат оддий кишилар, балки амалдор ва зиёлилар орасида ҳам тарихнинг ортга “эврилишини” пинҳона қўмсайдиган юртдошларимиз ўйлаганимиздан ҳам кўпроқ топилиши мумкин. Ва бу, ҳеч шубҳасиз, ўзгариши жуда қийин кечаётган тафаккур тарзимиз билан бевосита боғлиқдир.

III

Ёзаётган мақоламга “инқилоб” ва “ғурур” тушунчаларини асосий ғоявий таянч сифатида танлаганим бежиз эмас. Зотан, Шавкат Миромонович бугунгача амалга оширган тарихий янгиланишлар моҳияти етарлича очиб берилгани йўқ. Айниқса, бу ҳаракатлардан мақсад жамият тафаккурини ўзгартириш, янги инсон ва чин маънодаги суверен мамлакатни бунёд этишга қаратилганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу янада яққолроқ кўзга ташланади.

Сабаб? Сабаб шуки, анъанавий ташвиқот воситаларимиз — расмий газеталар, теле ва радиоканаллар эскича, одамларни бездирадиган форматлардан ҳали оёғини олгани йўқ.

Давлат раҳбари “миллий контент” яратиш кераклиги ҳақида гапирганига бир неча йил бўлди. Хўш, бу амалга ошдими? Тўғри, глобал тармоқ ўзбек сегментида бугун бир қанча ахборот манбалари кўзга ташлана бошлади. Аммо биз “жиддий” деб қарайдиган кўпгина интернет нашрлари ҳам ҳозирча фаолият кўламини Россия — Украина, АҚШ — Исроил — Эрон ёки дунёдаги бошқа геосиёсий масалалар атрофида шакллантиришга ҳаракат қилишаётир. Тўғри, бу ҳам муҳимдир. Аммо мамлакатимизда, Ватанда бўлаётган янгиланишлар ва ўзгаришларни ким шарҳлайди, одамларга, жамиятимизга ким тушунтириб, етказиб беради?!

> **Давлат раҳбари “миллий контент” яратиш кераклиги ҳақида гапирганига бир неча йил бўлди. Хўш, бу амалга ошдими? Тўғри, глобал тармоқ ўзбек сегментида бугун бир қанча ахборот манбалари кўзга ташлана бошлади. Аммо биз “жиддий” деб қарайдиган кўпгина интернет нашрлари ҳам ҳозирча фаолият кўламини Россия — Украина, АҚШ — Исроил — Эрон ёки дунёдаги бошқа геосиёсий масалалар атрофида шакллантиришга ҳаракат қилишаётир. Тўғри, бу ҳам муҳимдир. Аммо мамлакатимизда, Ватанда бўлаётган янгиланишлар ва ўзгаришларни ким шарҳлайди, одамларга, жамиятимизга ким тушунтириб, етказиб беради?!**

Баъзан шундай бўладики, Ўзбекистонда бўлаётган фундаментал ўзгаришлар моҳиятини бизнинг матбуотдан кўра четдаги медиаплатформалар таъсирчанроқ ёритмоқдами деган гумонга ҳам борасан киши.

Яқинда шундай нашрлардан бирида Қирғизистоннинг биринчи президенти иттифоқ йиқилиб, минтақа давлатлари мустақилликни қўлга киритган илк йиллар ҳақидаги ўз фикрини бўлишди. “...Ростини айтсам, 90-йилларда, президент бўлганимда, менда бир шубҳа бор эди: қирғизлар бозор механизмларини ўзлаштириб кета оладими, ўзбеклар билан рақобатлаша оламизми деб кўп ўйланардим. Чунки менинг назаримда, бозор иқтисодиётига ўтишимиз билан ўзбек биродарлар бутун Марказий Осиёни эгаллаб, бошқарадигандек эди. Сабаби, улар совет давридаёқ бунга тайёр бўлган. Аммо барчамиз Ислом Каримовдан миннатдор бўлишимиз керак. У киши ўзбекларни дунёдан ажратиб қўйди. Шу билан қирғиз ва қозоқларга имконият яратиб берди. Шунинг учун Қирғизистонда Ислом Каримовга ҳайкал ўрнатган бўлардим. У бизга йўл очиб бергани учун қирғизлар бозор механизмларини ўзлаштириб олди. Агар рақобат бўлиб, Ислом Каримов Ўзбекистонни очиб қўйганда эди, мана, ҳозир Мирзиёев каби дунёга очилганда эди, биз улар билан рақобатлаша олмас эдик”.

Албатта, Акаевнинг ушбу фикрлари билан юз фоиз келишиб бўлмас, бироқ масалага холис қарасак, у ўша йиллардаги вазиятни ўзи кўрган, иштирокчиси бўлган инсон сифатида баҳолаган. Қолаверса, у ўз хотиралари билан бугун қўшни Ўзбекистонда бўлаётган инқилобий ўзгаришларнинг қийматини аниқ қилиб кўрсатиб берган.

Ҳақиқат шундай нарсаки, баъзан у одамни тўғри гапни айтишга ундайди. Ўзбекистонни танқид қиладиганлар кўп ҳолларда “ўтган маъмурият фаолиятига сиёсий баҳо берилмаётир” деган айбни ёпиштиришга уринишади. Ташқаридан қараганда, бу гапда жон бор: мамлакатимиз бугун янги йўлга кирди. Президентимиз жуда кўп бор айтганларидек, Ўзбекистон кечаги Ўзбекистон эмас. Лекин ҳар қандай сиёсий қадриятлардан-да чуқурроқ ва айни пайтда қадрлироқ бир руҳоний бойлик бор. Бу чин маънодаги ўзбек характери билан боғлиқ жиҳат, дейишимиз мумкин. Кечаги кунни сўкмай, хатолардан сабоқ чиқариш гарчи бугунги кунларимизда камёблашиб бораётган бўлса-да, миллатимизга хос хислат. Яқин тарихимизда жуда кўп “политтехнология”лардан фойдаландик. Жамиятни шиорларга буркадик, қўшнилар билан баъзан очиқ, баъзан пинҳона “сан-ман”га бордик. Лекин нима бўлди? Шу билан бахтли бўлиб кетдикми?!

Энг ёмон томони, ўша совет замонларида республикани бошқарган раҳбарларнинг бирортаси бизнинг “тарғибот машина”ларимиздан “бутун” чиқмади. Ҳаммасини “майиб” қилдик. Номларини ўчириб ташлашга ҳаракат қилдик ва охир-оқибат ўзимиз учун ноқулай манзара яратдик. Аслида, тарихни ёзишни тарих илмининг ўзига қолдирган маъқул...

Майли, ҳозир гап бу масалада эмас. Мен бировни қораламасдан, турли даражадаги сиёсий миф-душман персонажларни ижод қилмасдан ҳам ишлаш ва натижа кўрсатиш мумкин эканини ифода қилиш учун бу гапларни айтдим.

Гап бошлаганим матбуотимиз, унинг бугунги фаолиятига қайтадиган бўлсак, табиийки, бир жиҳатни унутмаслигимиз керак: биз XXI асрда яшаяпмиз. Дунё жуда тез ўзгармоқда. Бироқ биз ахборот сиёсати масаласидаги ишларимизни замонга ҳамон мослаб ололмаяпмиз. Бугун кўпчилик газета ва расмий телеканаллар ўз аудиториясини йўқотди, деган ҳақли эътирозларнинг асосий сабаби шу, менимча. Бунинг эса давлат сиёсатига сезиларли таъсири бор. Чунки бугун олиб борилаётган ислоҳотларни жамият ва халққа етказиб беришда асосий вазифа улар зиммасида. Матбуот ва унинг бугунги профессионал савияси ҳақида гапирганда бир жиҳатни ҳисобга олиш керак бўлади. Бу кўпроқ биз таҳлилга тортаётган ҳадик билан бевосита боғлиқ, назаримда. Тепадан “имлов” кутиш, юқоридан кимдир айтмагунча мустақил ҳаракатдан тийилиб туриш матбуотимиз учун мудом энг тўғри йўл ҳисобланади. Қолаверса, эски давр синовидан ўтган анъанавий ва энг хавфсиз усул — қуруқ мақтов, мадҳиябозлигу, ура-урачилик ҳам унинг ўқувчи ва томошабинлардан узоқлаштираётган сабаблардан бири бўлиши мумкин.

Нега буни гапиряпман, чунки матбуотимиз, айниқса, расмий ОАВ мана шу ўзгаришлар жараёнини чуқур ҳис қилмаётир, назаримда. Эътибор бериб кузатсангиз, бош экранларимизда, катта газеталаримиз саҳифаларида фақат бир хил одамлар гапиради, ёзади... Бунинг устига риторика ҳам, “романтизм” ҳам ўзгармаган, 20 йил олдин қандай бўлса, шундай... Табиийки, бундай шароитда ўқувчи-ю томошабинни айблаб бўлмайди. Ва шу сабаб бизнинг “тарғибот сиёсатимиз” жамиятда маълум маънода ўз аксилтаъсирини кўрсатиб келмоқда.

Аслида, Президент амалга ошираётган ишлар малакали мутахассислар, аналитиклар томонидан муфассал шарҳланса, давлат раҳбари маърузалари, жойлардаги чиқишлари, оддий одамлар даврасидаги фикрлари юқори интеллектуал доиралар томонидан таҳлил қилиб берилса, шунинг ўзи етарли.

Ҳозир ўрни бўлмаса-да, бир гапни айтаман. Бир неча йил олдин “учар фаоллар”дан бир гуруҳи йиғилиб, шахсан Президентга мактуб йўллашади. Хатнинг мазмуни шундайки, сиз давлатимизнинг юксак мукофотларидан бирига муносибсиз, рухсат берсангиз, номзодингизни комиссияга киритсак... Ўша воқеадан кейин Шавкат Миромонович “Атрофимда юрган одамларки менинг қалбимда нима борлигини тушунмаса, яна кимдан хафа бўлишим керак”, деган эдилар...

Ҳақиқатан, Президентимиз кўп бор айтганидек, раҳбар учун одамларни рози қилишдан юксак мукофотнинг ўзи йўқ. У кишидан “Мен оддий одамлар, ўғил-қизларимиз юз-кўзларида қувончни кўрсам, уларнинг бу ҳаётдан розилигини илғасам, шунинг ўзи менинг бахтим. Менга бундан ортиқ мукофот ҳам, мақтов ҳам керак эмас” деган гапларни жуда кўп бор эшитганман ва ушбу сўзларнинг қатъий ҳамда самимийлигига ҳеч қачон шубҳа қилмаганман.

Ҳолбуки, Шавкат Миромонович ҳам совет замонларини, кўкраклари мамлакатнинг энг юксак орден-медаллари билан тўлиб кетган ўша давр раҳбарларининг кўпини кўрган. Аммо бундай тарздаги эътирофдан ўз халқининг розилигини, чинакам бахту саодатини доим афзал билди. У кишининг бошқалардан фарқи ҳам аслида шунда. Бу инсоний характер, одамларга меҳр ҳамда чексиз самимият менинг қалбимда доимо ғурур туйғусини уйғотиб келган.

Ўз Президентидан ҒУРУРЛАНИШ туйғуси менинг қалбимда шундай алангаланган.

IV

Хабарингиз бор, бу йил мустақиллик байрами “Янги Тошкент”да ўтказилди. Баъзи бировлар бу ҳаракатни давлат популизми билан боғлашди. Менимча эса, ундай эмас. Президентнинг бундан кўзлаган мақсади ушбу тахминлардан юз чандон юксак ва самимийроқ. Масалан, мамлакатнинг сиёсий байрамини янги қурилаётган шаҳар бағрида ўтказиш фақат бир неча маъмурий ва таълим иншоотлари ҳамда “Гиннесс рекордлар китоби”га кирган фавворани фойдаланишга топшириш ё кўз-кўз қилишдан иборат эди деб хаёл қилиш жуда кулгили бўлар эди.

Давлат раҳбари қурилаётган ушбу шаҳарни нафақат одамлар истиқомат қиладиган замонавий бир мегаполис, балки янги дунё, янгича тафаккур ва озод одамни ифодаловчи тарихий бир ғоя тимсоли сифатида кўришини мен жуда кўп бор сезганман. Мана, яқинда у киши бу ерга яна ташриф буюрди ҳамда фаоллар, тижоратчи ва инвесторлар билан учрашувда “Янги Тошкент — ўзимизники!” деган чақириқни ўртага ташлади ҳамда шаҳар ҳудудидан пойтахт туманлари ва вилоятлар учун ҳозирча 100 гектардан ер ажратиб берилишини маълум қилди. Сизнингча, бу нимани англатади?

Агар биз 100-120 йиллик тарихимизни ўрганадиган бўлсак, миллат сифатида жуда кам ҳолларда жипслашганимизни кўришимиз мумкин. Уруғ-аймоқчилик, майда этник айирмачилик, маҳаллийчилик... Миллий традиционализмнинг бундай хавфли ва зарарли кўринишлари биз билан бугунгача “яшаб” келаётганини ким инкор этади. Ҳозиргача “шаҳарлик”, “қишлоқлик” деган сифатлов тури ердан оёғини узмаганини унча зукко бўлмаган одам ҳам сезади. Пойтахт марказчилиги ҳақида-ку, мутлақо гапирмаса ҳам бўлади. У бу борада, умуман, барча масалада доминант мақомга эга эди. Тошкентда яшаш, тошкентлик бўлиш мамлакат фуқароси учун энг юқори ижтимоий рутба — оқсуяклик мақомини берарди гўё. Мамлакат бошкентидан бошланган айни вертикал маъмурий ҳудудлар — вилоятлар бўйлаб ҳам кенг ёйилганди. Хуллас, марказ алоҳида ҳам маданий, ҳам иқтисодий жиҳатдан кенг устуворликларга эга эди. Ҳолбуки, шундай бир шароитда мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпи қишлоқларда истиқомат қилишарди...

Хўш, нима деб ўйлайсиз, аҳволнинг бундайлигини, мамлакат аҳолиси, яъни халқ бир неча ижтимоий табақаларга бўлиниб қолганини ҳеч ким билмасмиди?

Менимча, буни ҳаммамиз тушунардик, яхши билардик. Фақат узоқ вақт кўрмаганга олдик. Бунинг эса кўплаб сабаблари бор эди...

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Бундан атиги ўн йил илгариям матбуотда ёки элитар мунозараларда мамлакатдаги демографик вазият ҳақида жуда кам гапириларди. “Урбанизация”, “агломерация” деган атамалар фақат илмий давралардагина ишлатилар, аҳолининг уй-жой масаласи борасидаги дискуссияларига қўшилишидан иложи борича эҳтиёт бўлинарди.

ЖАРАЁН 5

2026 йил 27 октябрь, 222-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news



ИНҚИЛОБИ билан ғурурланаман?

“Катта ишларнинг шовқини ҳам, довруғи ҳам ўзига яраша бўлади. Шу маънода гапирадиган бўлсак, бугун ушбу сиёсатни тушунаётганлар ҳам, тушунмасдан ёки жўрттага оёқ тираб талашаётганлар ҳам топилади. Баъзан Шавкат Мирзиёев нима учун пойтахтда бунча кўп уйлар, бу ҳам етмагандай, бутун бир янги шаҳар қуряпти, нега вилоятлар марказларида “Янги Ўзбекистон” массивларини барпо этаётир — бу ён-атрофга ўзини кўрсатиш — сиёсий популизм эмасми дейдиганлар ҳам йўқ эмас орамизда.

V

Сўнгги ўн йилликда амалга оширилган ва тез ёдимиздан кўтарилган дадил ислоҳотлардан бири “прописка” тизимининг бекор қилиниши бўлди.

Аслида, “прописка” лойиҳасининг раҳнамоси Иосиф Сталин эди. Фуқароларни шахсий назорат қилишни кучайтириш ва ҳокимият хавфсизлигини таъминлаш мақсадида жорий қилинган айни тартиб деярли 100 йил (иттифоқ таназзулидан кейин ҳам) давом этди.

Инсонларни давлат инвентарига айлантириб қўйган бу механизмнинг 2017 йилга келиб бекор қилиниши, албатта, тарихий жасорат, ҳақиқий ИНҚИЛОБ эди. Бироқ ҳозир гап бу ҳақда эмас. Сўзимиз посткоммунистик давр — мустақилликдан кейин ҳам ушбу тартибнинг узоқ муддат амалда қолганида.

Хўш, нега шундай бўлди? Кўпчилик буни бугун ҳам яхлит маънода хавфсизлик ҳамда сиёсий қудратни асраб қолиш амбицияси билан боғлайди. Бўлса, бордир. Аммо шу ўринда кўздан панада қолаётган яна бир омил ҳам мавжуд. Бунинг манбаи катта шаҳарлар, айниқса, пойтахт инфратузилмасига тушадиган “босим”дан қочиш, демографик “сакраш” (эътибор беринг, 1990 йилда Ўзбекистон аҳолиси 20,2 миллион, 2000 йилда 24,5 миллион, 2010 йилда 28 миллион, 2020 йилда 33,9 миллион бўлган. Бугун ушбу нуфус 40 миллионга яқинлашди) ҳамда аҳолининг шаҳарлашувга бўлган тийиқсиз иштиёқини жиловлаб туришдек ўта нозик тектоник масала билан боғлиқ эди дейишга етарлича асос топиш мумкин.

Мазкур принципларга кўра, “прописка” масаласи совет даврида марказ — Москвадан назоратга олинган бўлса, мустақилликдан сўнг Президент фармонлари билан бажонидил бошқарилди...

Тўғри, айтганимиздай мавзу бу эмас. Аммо унинг “оқибати” биз айтмоқчи бўлаётган ҳикоянинг мазмунига жуда алоқадор. Шу маънода, гапирадиган бўлсак, ушбу масалада Шавкат Мирзиёев зиммасига олган масъулият фақатгина барғранг паспортларимизнинг “яшаш манзили” деган саҳифасига уриладиган муҳрни маҳв этишдангина иборат эмасди. Бу ёпиқ қозон ичидан чиқиб, Ватанингнинг исталган манзилида иш ва қўним топиш, кенгроқ маънода айтганда, озод инсондек яшаш эркинлиги дегани эди. Аммо деярли бир аср таъқиб қилинган ва чекланган бу эркинликни таъминлаш осон ишмиди?!

Навбатдаги мулоҳазаларимиз айни саволдан келиб чиқадиган сабоқ, оқибат ва унинг натижалари атрофида бўлади.

VI

Бундан атиги ўн йил илгариям матбуотда ёки элитар мунозараларда мамлакатдаги демографик вазият ҳақида жуда кам гапириларди. “Урбанизация”, “агломерация” деган атамалар фақат илмий давралардагина ишлатилар, аҳолининг уй-жой масаласи борасидаги дискуссияларига қўшилишидан иложи борича эҳтиёт бўлинарди.

Бундай “саранжом”лик ортида ҳали айтганимиздек, албатта, бир хавотир бор эди: аҳолининг шаҳарларга оқиб келиши ва агломерацияга йўл очиш ўз-ўзидан улкан ижтимоий-иқтисодий муаммоларни туғдирарди.

Келинг, шу ўринда ушбу масаланинг оқибатини ифодаловчи бир кичик иқтибосдан фойдаланамиз. Президентимиз 2026 йил 25 февралда урбанизацияга бағишлаб ўтказган йиғилишда пойтахт мисолида гапириб шундай деган эди: “Сўнгги йилларда пойтахт иқтисодиёти ва агломерацияси жадал ўсиб, Тошкент шаҳрининг доимий аҳолиси 3,1 миллион нафардан ошди. Шу билан бирга, 2045 йилга бориб, шаҳар аҳолиси икки баробардан зиёдга ортиши прогноз қилинмоқда. Бу эса урбанизация жараёнларини уй-жой, транспорт-логистика, муҳандислик тармоқлари ҳамда ижтимоий инфратузилмага тушаётган юкламага мутаносиб ҳолда ривожлантиришни талаб этади”.

Ушбу фикрлар, ўйлаймизки, ўша давр учун ўта хавотирли бўлган мураккаб вазият манзарасини анча ойдинроқ намоён этиши мумкин.

Тўғри, холисона ва инсоф билан айтганда, шаҳарни замонавийлаштириш, янги марказлар ва даҳалар қуриш ҳақида орзу-истаклар ўтган даврда бўлмаган дейиш адолатдан эмас. Бироқ режани тор сиёсий ҳужралардан ҳаётга кўчириш учун одамда катта сиёсий ирода бўлиши кераклиги ҳам ҳақ гап.

Мен мустақилликнинг илк йилларида пойтахтнинг икки туманида раҳбар бўлиб ишлаганман. Ўша йиллари нафақат қурилиш қилиш, ҳатто ёрилган ичимлик сув қувурини алмаштиришга ҳам битта экскаватор тополмай, бир неча кунлаб сарсон бўлганимни яхши эслайман. Шу боис, Президентимиз бугун нафақат шаҳар, балки бутун мамлакатимиз бўйлаб олиб бораётган ишлар кўламини кўриб, очиғи, у кишининг ғайрат-шижоатига тан бераман. Эътибор қилинг, жорий йилда пойтахтнинг 12 та тумани бўйича 9 миллиард доллар инвестиция жалб қилиш режалаштирилган. Бу ўз-ўзидан бўлади, деб ўйлайсизми?! Ёки мана бу рақамларга бир аҳамият қаратинг: статистикага кўра, ўтган ўн йилда аҳолимиз 8 миллионга кўпайди. Айни шу давр ичида 650 минг оила янги уй-жойли бўлди...

Мен юқорироқда бугун мамлакатдаги бунёдкорлик ва бу ўзгаришларнинг одамлар онгу тафаккурига таъсири, қолаверса, ижтимоий сиёсат ва мафкуралар ҳақида кенгроқ тўхталаман деган эдим. Ҳақиқатан, инсоннинг яшаш тарзи унинг дунёқарашига ҳам таъсир кўрсатади. Бунга яқин тарихимиздан кўплаб мисолларни келтиришимиз мумкин. Ўтган кунларимизга қарайдиган бўлсак, бизда қурилиш, хусусан, аҳоли учун турар жойлар қурилиши нисбатан тизимли равишда “қайта қуриш” йилларининг охирига қадар давом этди ва тўхтади. Сўнгра “Банковский дом” деган ном остида пойтахтнинг баъзи даҳаларида уйлар қурилди. Аммо уларни олишга оддий одамларнинг қурби етмасди...

Очиғи, айтиб ўтганимиздек, асл муддаодан қатъи назар қуриш, обод қилиш, атрофни “гулзорга айлантириш” барча замонларда ҳам актуал бўлган. Совет даврида ҳам бу борада бир нечта йирик давлат дастурлари ва қурилиш сиёсати йўналишлари бўлган. Масалан, “коммунал квартиралар” (улар бир рўзғор сифатида эмас, балки бир нечта оила ёки шахс томонидан умумий фойдаланиладиган хонадонлардир. Бундай уйларда ҳар бир оила алоҳида хонада яшаган, ошхона, ҳожатхона, ҳаммом ва йўлак каби жойлардан эса биргаликда фойдаланган) деган бугун кўпчиликнинг эсидан чиқиб кетган тушунча ўша сиёсатнинг бир қисми ҳисобланади.

Идеология, реал турмуш ва бу омилларнинг одамлар тафаккур тарзига таъсири, уни шакллантиришдаги ўрни ҳақида гапирар эканмиз, айни нуқта совет даври маиший ҳаётининг ижтимоий экспликацияси (моҳиятини очиб бериш)га яхши мисол бўла олади, дейишимиз мумкин. Негаки коммунал квартира — фақат уй-жой етишмовчилигининг оқибати эмас, балки давлат сиёсати, шаҳарсозлик ва халқнинг кундалик турмушини бир нуқтада бирлаштирган тарихий ҳодиса ҳам эди. Ва яна бунга турли маданиятлару урф-одатларни ягона бир “қайнатувчи қозон”га солиб, ягона халқ — совет кишиси феноменини яратишга бўлган уриниш ҳосиласи деб қарасак ҳам кўп хато бўлмайди. Чунки бундай яшаш тарзи фуқароларда “шахсий эркинлик”, “озод фикр” каби ҳукмрон мафкурага ёт тушунчалар шакланишини чеклар, барчани бир ғоя йўлида бирлаштиришга яхшигина кўмаклашарди.

“Коммуналка”лардан кейин айни жабҳадаги катта сиёсатга 1957 йилларда старт берилади. Айнан ўша йили бутун мамлакат бўйлаб уй-жойга бўлган талабни қисқа муддатда камайтириш мақсадида намунавий лойиҳалар асосида оммавий тарзда кўп қаватли, нисбатан арзон уйлар қуриш бўйича КПСС Марказий Қўмитаси ва СССР Министрлар Советининг “СССРда уй-жой қурилишини ривожлантириш тўғрисида”ги қарори чиқарилади.

Тарихда кўпроқ “Хрушёвка уйлари” деган ном билан машҳур бўлган ушбу тажриба ҳақида ҳам ажабтовур ҳангомалар бор. Энг муҳими, уларнинг бирортаси тўкима эмас. Мана, шулардан бири: совет замонида одамлар нима учун уй деворига ҳашамдор гилам осишганини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?! Ташқаридан қараганда, бу шунчаки бир мода ёки эстетик қолоқликдай туюлиши мумкин. Аммо ундай эмас. Совет одамларининг бойлик рамзи ҳисобланган гиламларнинг деворларга қоқилиши муайян мақсадни кўзлаб урфга айлангани тўғрисида турли гаплар тарқалган.

Ўтган асрнинг 50-60-йилларида катта шаҳарларда аҳолини турар жой билан тезроқ таъминлаш мақсадида арзон ва оддий лойиҳа бўйича ёппасига қурилган сифатсиз “хрушёвка”ларда бу буюм одамларни кўзга кўринмас “душман”лардан ҳимоя қиларди. Сабаби, хонадон деворлари шу даражада юпқа эдики, ҳатто уйдаги шивир-шивир ҳам қўшнига бемалол эшитилар ва бу шахсий ҳаёт деган тушунчага тўғридан тўғри дахл қиларди.

Гилам эса бунда товуш ютгич вазифасини ўтаган. Қолаверса, момиқ жундан тўқилган нодир матоҳ нам ва юпқа бетон девор оша ташқаридан сизиб кирадиган совуқдан ҳимояловчи восита ҳам бўлган. Хуллас, кўпчилигимизнинг кўзимиз ўрганиб кетган девордаги гилам оддий декор эмас, балки “қулоқ” ва аёздан уй эгасини ҳимояловчи омил ҳам бўлган...

Албатта, сиз ушбу контекст орқали нимага ишора қилинаётганини яхши тушуниб турибсиз. Ҳа, масалага чуқурроқ ёндашсангиз, бу сафарбарликлардан мақсад инсон бахту саодатидан кўра кўпроқ ҳукмрон ғояга садоқат кўрсатиш бўлганини англайсиз. Қолаверса, икки қутбли дунёда социализм ва капитализм ўртасидаги тизимлараро рақобат ҳам кўп кўзбўямачиликларга “доя” бўлган. Бироқ тарихни қарасангиз, катта сиёсатда бу тажриба анчадан буён машҳур амалиёт эканини кўришингиз мумкин.

“Очиқ айтганда, “инқилоб” сўзига бизда узоқ йиллар мухолиф атамадек қаралган. Гарчи расмий тўсиқ бўлмаса-да, айниқса, сиёсий дискурсда бу калима (бир-иккита истисноларни ҳисобга олмаганда) элитар нарратив ва ирод қилинадиган нутқларда деярли учрамасди. Шунингдек, жамоатчилик орасида ҳам уни қўллаш ва ишлатишда ҳадик бор эди. Ва эҳтимолки, айни сабаблар уни ўзининг полисемантик хусусиятини йўқотиб, якка маъноли “от”га айланиб қолишига олиб келди. Масалан, советлар замонида ушбу истилоҳга фақат бир ўринда — “Қизил октябр”га нисбатан мурожаат қилиш кенг истиқболли саналарди: кўкракни тўлдириб, “Буюк Октябрь инқилоби” дейиш совет гражданида нафақат маънавий-мафкуравий етукликни, балки тузумга бўлган садоқатни ҳам англатарди.

VII

Сиёсатчилар тилида “Потёмкин қишлоқлари” деган учқур ибора бор. Унинг келиб чиқиши Чор Россияси тарихи билан боғлиқ. 1783 йили Қрим расмий равишда империя таркибига қўшиб олингач, императрица Екатерина II янги периферияларни билан танишиш мақсадида мамлакат жанубига йўл олади. Йўл-йўлакай фойтун туйнугидан боқаркан, у ўтлаб юрган зотдор моллар подаси, отлар уюри, пичан ғарамлари ёнига тахланган мўл ҳосил — дон тўла қопларни, далаларда эса кўзларида бахт учқуни чақнаб турган, билаклари куч-ғайратга тўла эркагу аёллар, балалайка садоси остида шодон қийқиришиб рақсга тушаётган ёшларни кўриб қувонади. Табиийки, тўкинлик ва фароғатчиликни ифодаловчи бу манзара уни завқлантирган...

Бироқ буларнинг барчаси иллюзия — ҳазрати олияларининг кайфиятини чоғ қилиш, қолаверса, хорижлик “дўст”ларнинг ҳайратини ошириш учун ўйлаб топилган найранг эди: қош қорайиб карвон тунаш учун тўхтаган маҳал “шодумонлик картинаси” — уюрдаги отлар, мол-ҳолу дон ўрнига қум билан тўлдирилган қоплар ва меҳнат қилаётган башанг кийимли “қишлоқ одамлари” усталик билан янги манзиллар бўйлаб “жойлаштириларди”...

Бу ажабтовур ҳангоманинг муаллифи эса князь Г.Потёмкин эди... Шубҳасиз, буни сафарда подшога ҳамроҳлик қилган зийрак элчилар сезишган. Ва айни ҳодиса “Потёмкин қишлоқлари” атамасининг пайдо бўлишига, унинг сохта фароғатчилик, кўзбўямачиликни устамонлик билан ифодаловчи бадиий восита — метафорик образга айланишига туртки берган. Албатта, гап ҳозир бу воқеа бўлган ё бўлмаганида эмас, балки ушбу қочирим орадан уч юз йилга яқин вақт ўтиб ҳам ўз константа — асл қиймати ва бадиий ифода кўламини йўқотмай қолаётганида.

Характерига кўра, ўта элитар бўлган ушбу киноя бугун ҳам халқаро сиёсий доираларда жуда кенг ва фаол қўлланилаётган экан, демак, бу тажриба мудом “истеъмол”дан чиқмаган. Бунга бир мисолни собиқ иттифоқ йиллари кечган ҳаётимиздан келтирдим. Бироқ сиёсий қадриятлар анча яшовчан бўлади деганларидек, эски замондаги “иллюзияга ишқибозлик” истиқлолдан кейинги даврга ҳам кўчиб ўтди. Катта йўллар, айниқса, меҳмонларнинг кўзи тушиши мумкин бўлган кенгликлар бир хил тусдаги “типовой лойиҳа”ларга тўлдирилди ва бу “изчил ислоҳот” янги ҳаёт тарзи сифатида жамиятга тақдим этилди. Бундан ташқари, биз кенг ва яйдоқ далалар бағрида икки-уч қаватли ўқув бинолари, врачлик пунктлари, маданият масканлари қад кўтаришига ҳам ҳайрон бўлмай қолдик. Чунки 10-20 чақирим атрофда одам яшамайдиган бундай масканлар меҳмонлар ўтадиган катта трассалардан жуда равшан кўзга ташланиб туришини яхши англардик...

Майли, қочириқ ўз йўлига. Бироқ реал факт шу эдики, бу ишлар худди яранинг устини дока билан бекитишдек бир гап, яъни нари борса, захм кўзни чалғитиб турарди...

Бу борадаги мутлақо шахсий бўлган фикримни очиқ айтаман, айни концепция ўтган давр ижтимоий сиёсатининг ютуғи бўлиши мумкин эди. Чунки ният, йўналиш бор эди. Аммо бизга аён ва ноаён турли сабаблар ушбу дастурни ўтган маъмуриятнинг “ижтимоий-сиёсий витрина”сига айлантириб қўйди.

Ҳозир эса сарлавҳа, аниқроғи, асосий планга чиқарилган сўз — “Инқилоб” ҳақида қисқача гапирмоқчимиз. Зотан, бугун бунга зарурат бор. Бизнинг колониал, постколониал ва деколониал учбурчак ичидаги тафаккур тарзимизни таҳлил қилишда айни терминга “муносабатимиз” ижтимоий ҳодиса сифатида муҳим ўрин тутади.

VIII

Очиқ айтганда, “инқилоб” сўзига бизда узоқ йиллар мухолиф атамадек қаралган. Гарчи расмий тўсиқ бўлмаса-да, айниқса, сиёсий дискурсда бу калима (бир-иккита истисноларни ҳисобга олмаганда) элитар нарратив ва ирод қилинадиган нутқларда деярли учрамасди. Шунингдек, жамоатчилик орасида ҳам уни қўллаш ва ишлатишда ҳадик бор эди. Ва эҳтимолки, айни сабаблар уни ўзининг полисемантик хусусиятини йўқотиб, якка маъноли “от”га айланиб қолишига олиб келди. Масалан, советлар замонида ушбу истилоҳга фақат бир ўринда — “Қизил октябр”га нисбатан мурожаат қилиш кенг истиқболли саналарди: кўкракни тўлдириб, “Буюк Октябрь инқилоби” дейиш совет гражданида нафақат маънавий-мафкуравий етукликни, балки тузумга бўлган садоқатни ҳам англатарди.

Албатта, бу тушунарли. Бироқ орадан вақтлар ўтди, эътиқод ва қарашлар ўзгарди ҳамки “Инқилоб” хоҳ ёзма, хоҳ оғзаки нутқларда бўлсин, фавқулодда “оммалашиб” кетмади, балки истеъмол доираси янада торайиб, ўзининг “тектоник” хусусиятини сақлаб қолди. Бир сўз билан айтганда, мустамлакачилик маданияти ва сиёсий муҳитида “тобланган” бу сўз эркинлик ва мустақиллик замонларига ҳам ўз мероси билан “кўчиб” ўтди.

Айниқса, ит эгасини танимай қолган ўтган асрнинг 80-йилларидаги “қайта қуриш ва ошкоралик” ҳамда 90-йиллардаги “миллий турғунлик” замонларида у бадниятли ва ҳукмрон сиёсатга ёт кайфиятли одамлар ишлатадиган бузмакор сўз(тушунча)дек малакаланди...

Бироқ хатолик сўзда эдими ёки бизнинг сиёсий маданиятимиз ва тафаккуримизда?!

Моҳиятан ўта риторик бўлган ушбу савол, юқорида айтганимиздек, жамиятимиз, турмушимиз ва онгимизда бугун кечаётган ўзгаришларга жавоб қидиришга чорлаши билан ҳам ниҳоятда қийматли деб ўйлайман. Ёпиқ жамият ва биқиқ муҳит нафақат инсонни, балки сўзлар ва туйғуларни ҳам жиловлаган даврларни кўрдик. Мисол учун бугун англаяпмизки, ҳозир муҳокама қилаётганимиз терминнинг ёндоши фақат “Октябрь” ёки “бузғунчилик” эмас экан.

Ўзи умуман, изоҳли луғатларда инқилоб (арабча — ўзгариш) сўзига шундай таъриф берилган: 1. ...жамият ҳаёти ва унинг соҳаларида бўладиган ўзгариш, тубдан ўзгариш. 2. Бир ижтимоий тузумни бошқаси билан алмаштириш орқали бўладиган ўзгариш; тўнтариш...

Биз узоқ вақт мобайнида ушбу тасниф нинг фақат иккинчисини қабул қилдик. Биринчи тушунчага таяниб яшаш, ҳаётимизни шу маслак атрофида барпо қилишга сиёсий иродамиз ҳам, куч-қудратимиз ҳам етмади, менимча. Масалан, “янги уй қурмай эскисини бузма” деганга ўхшаш шиорлар, (шиорлар бизда алоҳида тадқиқ этишга арзийдиган мавзу) сизнингча, нимага ишора қилар эди?! Ҳа, у тизимни ўзгартирмай, эскилигича сақлаб қолишни назарда тутарди. Бундай шароитда, албатта, ҳар қандай инқилоб ҳақида гапириш нафақат ёқимсиз, балки фавқулодда хавфли эди. Чунки қалбимиздаги “қурмай туриб бузмаслик” истаги ўта скепсис — шубҳали эканини ўзимиз ҳам сезиб турардик.

Фавқулодда бу англов эса унинг ортидан яна бошқа гажакдор шиорлар тўқишга бизни мажбурлади. Чунки ичимиздаги шубҳа кенг ёйилиб кетмаслиги, ошкор бўлмаслиги керак эди. Ушбу мулоҳазани оддий мисол билан шарҳлаб берадиган бўлсам, масалан, “...келажаги буюк давлат” деган хитоб билан “Халқимиз бугун бахтли яшаши керак” орасида жуда катта ва ўта нозик тафовут борлигини кўришимиз мумкин.

Хуллас, инқилоб истилоҳининг “озод” этилиши ва кенг истеъмолга киришига эндиликда тарихий зарурат бор. Агар сиз бугун Шавкат Мирзиёев амалга ошираётган буюк ўзгаришларни бундан-да чуқурроқ ифодалаб бера оладиган бошқа бир атама топсангиз, мен бунга розиман. Зотан, мен илгари мумкин бўлмаган, иложи йўқ деб қаралган имкониятларнинг бирпасда оддий ҳодисага айланиб қолишининг ўзи ҳам қайсидир маънода инқилоб белгиси деб ўйлайман. Ва яна сўзлар, тушунчалар ва туйғуларга янгича мазмун бахш этиш ҳам бир ИНҚИЛОБДИР! Кечагина ёппасига оғзи тикилган жамиятнинг “тилга кириши” ҳам айни ҳодисанинг ўзгинасидир...

IX

Катта ишларнинг шовқини ҳам, довруғи ҳам ўзига яраша бўлади. Шу маънода гапирадиган бўлсак, бугун ушбу сиёсатни тушунаётганлар ҳам, тушунмасдан ёки жўрттага оёқ тираб талашаётганлар ҳам топилади. Баъзан Шавкат Мирзиёев нима учун пойтахтда бунча кўп уйлар, бу ҳам етмагандай, бутун бир янги шаҳар қуряпти, нега вилоятлар марказларида “Янги Ўзбекистон” массивларини барпо этаётир — бу ён-атрофга ўзини кўрсатиш — сиёсий популизм эмасми дейдиганлар ҳам йўқ эмас орамизда.

Бундай кишиларни яхши тушунаман ва бундан хафа бўлишнинг кераги ҳам йўқ. Мен, гарчи Президентимиз ҳеч қаерда очиқ-ошкора айтмаган бўлсалар-да, қалбларидаги орзу-истакни жуда яхши биламан. Менинг халқим бу ёруғ дунёда ҳеч кимдан кам эмас, биз жаҳонга маърифат, давлатчилик анъаналарини ўргатган халқмиз ва бундан кейин ҳам сафларнинг бошида бўлишимиз керак деган улуғ ғоя у кишининг қалбини мудом чўғлантириб туради.

Замонавий уйлар, кўчаю хиёбонлар бугун нафақат шаҳару қишлоқларимиз кўркини, балки одамларимиз тафаккурини ҳам ўзгартираётганини барчамиз жуда яхши англаб турибмиз. Биргина “Янги Тошкент”нинг қурилиши қанчадан-қанча муаммога ечимлигини, давлатчиликни янги ўзанга солиш, эркин ва озод миллат яратиш йўлидаги инқилобий ҳаракат экани ҳақида ҳали тарих ўз сўзини айтишига ишонаман.

Ўтмишга қарасангиз, улусни бир муштдек жамлаган, давлатини ўз азму шижоати билан қудратли қилган султонлар унча кўп эмас. Улардан ушбу таърифга энг муносибларидан бири Соҳибқирон Темур эди. Умрининг катта қисми от устида ўтган Темур эл маъмурчилиги, яратувчилик борасида нафақат миллий тарихимиз, балки кишилик жамиятида ўчмас из қолдирган жаҳонгирлардан биридир. Бугун инсоният тан оладиган “Темурийлар даври ренессанси” айнан Соҳибқирон порлоқ шахсиятининг меваси эди. Самарқандни “ер юзининг сайқали” қилиш иштиёқи ҳам айнан у кишининг юрагини чўғдек қиздирган ва бу иш учун у ўз пойтахтига жаҳоннинг энг моҳир меъморлари, усталарини жамлаган эди.

Халқимизда “Оққан дарё оқмай қолмас” деган ҳикмат бор. Унинг маъносини барчамиз яхши тушунамиз. Ҳозир Амир Темур шахсияти ҳақида сўзлай туриб, хаёлимда ушбу нақлга маънодош яна бир фикр бош кўтарди: миллатнинг толеидаги чўғ кўмилиши, қўри қайтиши мумкин, аммо ҳеч қачон батамом сўнмайди. Вақт келиб, бу оловни юраги Ватан ва Халқ ишқида ёнадиган ёвқур бир фарзанд келиб, яна алангалатади.

Бугун нафақат пойтахт, балки мамлакатимизнинг барча гўшаларида олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларини кўриб, одам тарихнинг улуғ мураббий эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилади. Масалан, биргина “Янги Тошкент” орзуси глобал дунёда тан олинган Дубай, Сеул, Цюрих, Копенгаген, Шанхай каби фақатгина постиндустриал ёки “янги урбанистик цивилизация маркази” эмас, балки юзлаб йиллар мустамлакачилик азобларини кўрган, ўзини, ўзлигини деярли йўқотиб қўяёзган Ватанимиз ва Миллатимиз шаъни, ор-номусини оёққа қўйиш, ўтмишда буюк бўлган халқимизнинг шону шуҳратини қайта тиклашга қаратилган жасоратли қадам экани билан ғоятда аҳамиятлидир. Ва Президентимиз муҳтарам Шавкат Мирзиёев қалбидаги айни мардонаворлик, миллатпарварлик ҳамда ватанпарварлик юрагимни чексиз ғурур ва ифтихорга тўлдиради. Биз мудом Сиз биланмиз, Менинг Президентим, дея фахрланамиз!

Зиёлилар бирлашса, кўнгиллар яқин бўлса, йўллар қисқаради. Истеъдод эгаларининг ойдин сафарлардаги ёрқин фаолиятлари маданият, маърифат ва санъатнинг олтин занжирлари бўлиб элларни яқинлаштиради, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик эса ватан равнақига хизмат қилади!

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 27 октябрь, 222-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Таассурот







Маърифат йўлида

ЗИЁЛИЛАР ФОРУМИ



Сайёра ТЎЙЧИЕВА,
“Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзоси, профессор

Мулоқот қалбларни бирлаштиради

Мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллигига бағишланган ҳамда “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз” бош ғояси асосида ўтказилаётган “Мустақиллик тўйи”нинг навбатдаги манзили қардош Туркия бўлди ва у ерда “Бир илдиз, бир маърифат: Ўзбекистон — Туркия дўстлиги кўприги” мавзусида олимлар ва зиёлилар форуми тарзида давом этди.

Бир илдиздан тарқалган, бир булоқдан сув ичган, тақдири ва келажаги чамбарчас боғлиқ икки халқнинг мақсадлари ягона, орзу ва интилишлари ҳамоҳангдир. Зотан, бизни муштарак тил, ўзаро уйғун анъана ва қадриятлар, азалий дўстлик ҳамда асрлар давомида шаклланиб, мустаҳкамланиб келаётган маданий алоқалар боғлаб туради.

Туркия жанубида жойлашган, чор тарафдан Ўртаер денгизи, Суриянинг Ҳалаб вилояти ҳамда Ғазантеп ва Адана вилоятлари билан туташган Ҳатай шаҳри марказидаги Мустафо Камол университети жамоаси ва талабалари билан суҳбат ҳар икки халқнинг тарихий илдизлари, муштарак илму маърифати, тил ва маданият уйғунлиги борасидаги илмий баҳслар ва ижодий мулоқотлар билан бошланди.

Ҳатайнинг Овакент маҳалласидаги уч юз ватандошимизга “Бир дастурхон — икки қардош халқ” шиори остида дастурхон ёзилиб, ўзбекча ош тортилди. Маҳалла раиси Абдулваҳоб Юнуснинг сўзларидаги самимият ва меҳр бундай ифода этилади: “Зилзиладан жабр кўрмаган одам қолмади, болаларимизнинг ўқиши, иш фаолиятимиз тўхтади, ҳамма бирдек ғамгин бўлиб қолди. Қиш куни эмасми, кийимларимизда, озиқ-овқатда ҳам тақчиллик бўлди. Шунда Ўзбекистондан катта ёрдам келди, кўнглимиз тоғдек кўтарилди, қурувчилару мутасаддилар яна равон ҳаёт тарзимизга қайтишимизга кўмаклашди. Энг муҳими, ватандошларимиз бизни уйли қилди, бундан ортиқ бахт борми? Ҳалигача эсласам, кўзимга ёш келади. Тиббиёт асбобларини кўтариб бизга ёрдамга шошган, болаларимизга, ҳатто, ўқиш учун китобу дафтаргача етказган ватандошларимизнинг ёрдамларини қандай айтмайин? Минг раҳмат сизларга!”.

Ҳатай ҳокими Хайриддин Қуюнкуюр зилзиладан кейинги уч йил ичида шаҳар қайтадан тикланган, бунда Ўзбекистон халқининг ҳам катта ҳиссаси борлиги ҳақида гапирар экан, бундай дейди: “Қийин кунингда елкангдан тутиб турган дўстингнинг қўли катта мадад бўлар экан. 2023 йил февраль ойида Туркияда юз берган кучли зилзила оқибатларини бартараф этиш учун Ўзбекистон халқи ўша оғир кунларда Ҳатай аҳли билан руҳан яқин ва баҳамжиҳат бўлди. Ўзбекистон ташаббуси билан Ҳатайнинг Арсуз туманида 306 та хонадондан иборат турар жойлар барпо этилди ва бу масканга “Ўзбекистон маҳалласи” номи берилди. Кенг ва шинам кўчалар, боғлар, болалар майдончалари, мактабу боғчалар, Самарқанд ва Тошкент номлари берилган кўчалар, Бухоро жоме масжиди — буларнинг барчаси умумий қадриятларимизнинг бебаҳо ифодаси бўлиб кўзни қувнатади. Шаҳар инсонни тарбиялайди, инсон шаҳарни гўзаллаштиради”.

У шундай дея бизни Ўзбекистоннинг “Дўстлик” боғи сари чорлайди ва фахр билан қўшиб қўяди: “Шаҳримиз Туркиянинг 81 шаҳридан 31 тасигагина берилган “катта шаҳар” мақомига эга. Келганингиздан мамнунмиз, ота юртимиз Бухоро ва Самарқандни кўргандек бўлдик”.

Осмонга суяниб турган Торос тоғ тизмалари оша қуёшнинг заррин нурлари ҳозиргина ёққан ёмғир томчиларини аллалар экан, таниқли мақом устаси Азиз Ражабий ижросида танбур нолалари жўрлигида янграган Навоий сатрлари даврага жон киритади:

Қаро кўзим, келу мардумлигин
энди фан қилгил,
Кўзум қаросида мардум киби
ватан қилгил...

Илму фан, ижод пойтахти

Анқара ижтимоий фанлар университетидаги анжуман Ўзбекистонда истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, янги Ўзбекистоннинг инсон қадри тамойилига асосланган эзгу ислоҳотларини мужассам этган “Мустақиллик зафарномаси” китоби тақдимотига уланди. Тадбирда ректор Мусо Козим Апижоннинг Ўзбекистон ва ўзбек алломалари ҳақидаги таассуротлари, ўзбек ва турк таълим-маърифатини юксалтириш ҳамда бугунги шиддатли даврда маънавий масалаларда ҳам фаол бўлиш борасида ҳар икки давлат олимлари бирлашмоғи лозимлиги ҳақидаги фикрлари тингланди. Шунингдек, университет олимлари — профессорлар Азим Апижон, Хайри Каплан, Маҳмуд Есад Эрқоя сингари турк ойдинлари маърузаларида илгари сурилган тарихий шахсларнинг маданият борасидаги қарашлари, илоҳиёт ва маданиятнинг янгича талқинлари, маърифатли жамиятнинг юрт тараққиётидаги ўрни ҳақидаги илмий фараз ва хулосалар қизғин илмий мунозараларга айланиб кетди.



Зиёлиларимиз яхши билишади, яқиндагина давлатимиз раҳбарининг тегишли фармонига мувофиқ туркиялик таниқли олим ва давлат арбоби, Ренессанс университети фахрий профессори Камол Явуз Атаман “Маърифат элчилари” лойиҳаси доирасида халқларимиз ўртасида илмий-маърифий алоқаларни ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси учун “Дўстлик” ордени билан мукофотланган эди. Анқара ижтимоий фанлар университетидаги учрашув унинг “Мен таниган Ўзбекистон” асарининг турк тилидаги нашри тақдимоти билан бошланди. Муаллифнинг сатрларида бундай эътирофлар тилга олинган: “Хўжа Аҳрор Валий, Алишер Навоий каби буюк шахсларни, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Замахшарий каби улуғ уламоларни, Нажмиддин Кубро, Абдухолиқ Ғиждувоний, Юсуф Ҳамадоний, Баҳоуддин Нақшбанд каби тасаввуф пирларини, Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Ибн Сино, Абу Наср Форобий, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи каби жаҳоншумул олим ва файласуфларни яқиндан билиш шартдир”.

Айниқса, муаллифнинг “Туркистон жадидчилик ҳаракатининг буюк намояндаларидан бири, шоир, адиб ва ёзувчи Абдулҳамид Чўлпоннинг машҳур ҳамда юракларни ларзага солувчи “Гўзал Туркистон, сенга не бўлди?” шеъри бу муқаддас заминга мансуб ва у ҳар бир инсон қалбида чуқур из қолдирган. У қисқа умр кўрганига қарамай, яратган асарлари, бошдан кечирган азоб-уқубатлари, таъқиблар, зулмлар ва шаҳидлик қисмати билан халқ хотирасидан абадий жой олди. У бу заминнинг ҳеч қачон сўнмайдиган, порлоқ чўлпон юлдузига айланди” деган битиклари китобхонни яқин тарихга қайтаради ва фахр бағишлайди.

Муаллиф Чўлпоннинг муқаддас хотирасига ва “Гўзал Туркистон, сенга не бўлди?” деган тарихий саволига чуқур эҳтиром кўрсатган ҳолда янги Ўзбекистоннинг Осиё осмонида порлаётган юлдуз ўлароқ юксалиб бораётганига бўлган ишончини қуйидаги мисралар билан ифода этади:

Гўзал Чўлпон, қара, бир замон келди,
Ҳар бир инсон қалби қувончга тўлди,
Ёшлар бахтли ҳаёт сари йўл олди,
Туркистонга боқ — бир юлдуз туғилди,
Номи янги Ўзбекистон бўлди.

Имзоланган ҳамкорлик меморандумида ижтимоий фанлар йўналишидаги алоқаларни ўзбек ва турк олимларининг илмий мулоқотига асосланадиган қўшма конференция ва форумлар тарзида давом эттиришга келишиб олинди.

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори Бекзод Абдиримовнинг хулосалари ҳам қизиқарли. Олим ўз тадқиқотларини турк заминида олиб бораётгани, Жалолиддин Мангубердининг ҳарбий меросини ўрганиш асносида Силванда унинг дафн этилган жойини аниқлашга қаратилган изланишлари, Онадўлидаги хоразмликлар (ҳорзумлулар) тарихи, қадриятлари ва тарихий хотирасини ўргангани ҳақида сўзлади. У қишлоқларда манба излагани ва манбадан ташқари яна бир муҳим нарса — руҳий яқинликни топгани, номларда, хотираларда, меҳмондўстликда, инсонларнинг бир-бирига муносабатида таниш бир руҳни ҳис қилганини таъкидлади. Мамлакатнинг 81 вилоятидан 12 тасида бўлиб, Шонлиурфадан Истанбулгача бўлган элчалар, қишлоқлар ва маҳаллаларни кезган тадқиқотчи 100 йил олдин жадид бобомиз, ойдинимиз Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг Истанбул манзарасига маҳлиё бўлиб ёзган “Қараган ила тўймайсан... Истанбул манзараси фавқулодда бир манзараки, Оврўпо ва амриқойилар-да мунинг ошиқидур. Биз-да албатта!” сатрларини бундай шарҳлайди:

“Оддий бир ўзбек олими сифатида 1453 йилда фатҳ этилган Константинополнинг ёриқ девори остида ўтириб, бир пиёла турк чойини ичишдан бахтиёрлик туяман. Шарқий Европанинг иқтисодий, сиёсий, маънавий маркази бўлган бу диёрда, яна ҳам қувончлиси, бир вақтнинг ўзида 5 минг кишига хизмат кўрсатадиган, 4 миллион босма нашр, 120 миллион электрон файл, 28 минг қўлёзма манбага эга дунёнинг энг улкан кутубхоналаридан бири — Анқара халқ кутубхонасида тадқиқотларимни давом эттирмоқдаман”.

Тадқиқотчининг сўзларини тинглаб, Қозизода Румийнинг Самарқандда мударрислик қилгани, Али Қушчи сўнгги йилларини Истанбулда ўтказгани, Абдурауф Фитрат, Муҳаммадшариф Сўфизода, Саид Аҳрорий каби жадид боболаримиз Туркияда таълим олгани хаёлимиздан ўтади. Замоннинг маърифатпарварлари ва ойдинлари шижоати ҳамда илму фан муҳити Тошкент билан Анқарани, Самарқанд билан Коняни, Бухоро билан Бурсани, Хива билан Эдирнени боғлагани, ҳозир Истанбулда Абу Райҳон Беруний номидаги университет фаолият юритаётгани, Туркия китоб фондларида Алишер Навоий асарларининг 100 дан ортиқ қўлёзмаси сақланаётганининг хосияти кўнглимизни тўлқинлантиради.

Маданий мулоқотда адабиёт инсон руҳиятининг кўзгуси, халқнинг қалби ва миллий ўзлиги экани, бу жараён Алишер Навоий ва Юнус Эмродан бошланган маънавий мероснинг ёрқин кўринишларида давом этаётгани, Нобель мукофоти соҳиби Ўрхон Памук асарларини ўзбек китобхонлари севиб ўқиётгани ҳам қувончлидир. Туркия ёзувчилар уюшмасида имзоланган “Меҳр қанотларида” ижтимоий лойиҳаси ўзбек ва турк болалар адабиёти учун янги номларни, янги асарларни кашф этиш имкониятини беради. Туркия ёзувчилар уюшмаси раиси, профессор Муҳаммад Энес Қалъанинг таъкидлашича, ушбу ижтимоий лойиҳа нодир қадриятларнинг болаларча талқини, меҳру оқибатнинг шарқона эътирофи сифатида тортиқ қилинади. Энг муҳими, икки эл фарзандлари болалар адабиётининг ёш муаллифлари билан яқиндан танишади, жамланмага киритилган асарлар муаллифлари иштирокида мулоқот тадбирлари бўлиб ўтади.

“Шоирлар эзгуликнинг элчиларидир”, дейишади. Менинг турк тилида чоп этилган мўъжазгина “Hasret Türküsü” (“Соғинч қўшиғи”) китобим ҳам зиёлилар форумининг адабиёт муҳиблари учун совға бўлганидан бахтиёрман. Таржимон Маъруфжон Йўлдошев томонидан турк тилига ўгирилган шеъру ҳикояларим жамланган ушбу асар ҳақида сўзлаганимда, адабиётнинг кўнгилларга таржимаси эзгуликдан иборат бўлмоғи нақадар сурурли эканини ўзбек шоираси ва олимаси сифатида чуқур ҳис қилдим.

Орифлар ҳузурида

Ҳар биримизнинг онгу шууримизни, қалб ва кайфиятимизни буюк алломаларимизнинг ўтли ва безавол сатрлари бир лаҳза ҳам тарк этмайди. Инсониятни бирликка, муҳаббатга чорлаган мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Бизни орифлар кўнгилларидан излангиз” деган ўгити биз учун фақатгина фалсафий хитоб эмас, балки халқларимизнинг маънавий туташув нуқтаси эканини сафаримизнинг ҳар дақиқаси ва сониясида англаб бордик. Маданияттшунос ва санъатшунос олимлар томонидан дунёнинг ҳар бир гўшасида кўнгил зийнати саналмиш ижодга берилган баҳонинг нақадар тотимли экани ва бу борадаги файласуфона қарашлар тафаккуримизни чархлади. Санъат жамиятнинг бебаҳо хазинаси, инсон тафаккурининг бебаҳо кашфиётидир. Ҳар бир халқнинг санъати шу миллатни дунёга танитади, жаҳон саҳналарида шу халқнинг номидан сўз айтишга шароит яратади. Зеро, санъат таржима талаб қилмайди. Истанбул маданият университети ректори, профессор Гулфетдин Челек ҳамда таниқли адабиётшунос олим Аҳмад Кочакнинг “Миллий қадриятларимиз бошида маънавият туради, бу тушунчада халқимизнинг энг юксак қадриятлари, хусусан, ҳалоллик, тўғрилик, ватанпарварлик, юртга муҳаббат каби фазилатлар мужассам. Икки мамлакат олимлари маънавият билан боғлиқ тизимли тадқиқотлар олиб боришса ва мана шундай ҳикматли илмий мулоқотларнинг хулосаларини ҳаётга татбиқ этишса, жамиятдаги ижтимоий-маънавий муҳитга катта таъсир кўрсатиш мумкин. Албатта, таклифу хулосаларнинг аниқ ва манзилли бўлиши катта эътибор талаб этади” деган хулосалари ҳам университет билан “Маърифат” тарғиботчилар жамияти ўртасида қўшма меморандум тузилишига асос бўлди.

Анжуманда файласуф олим Илҳом Сувонов мазмунли маъруза қилиб, таълимни тарбия билан уйғунликда олиб бориш, таълим халқларни ўзаро билимига шерик қилиши, маърифат эса бир-бирининг тақдирига бефарқ бўлмасликка ўргатиши, билим инсон имкониятларини кенгайтирса, маънавий масъулият шу имкониятларни эзгу мақсадга йўналтиришга ёрдам бериши, шу боис, таълим ҳамкорлигини инсоннинг илми, дунёқараши ва жамиятга муносабати билан боғлиқ ҳолда баҳолаш муҳимлиги борасидаги мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Тадбир давомида турк талабаларининг хонишларига жўр бўлиб, туркча қўшиқларни хиргойи қиламиз. “Ниҳол” мукофоти совриндори Адолат Исмоилова жонли овозда ижро этган “Мустаҳзод” ашуласи суҳбатларимизга зийнат беради, беихтиёр турк қардошларимиз ҳам куй-қўшиқларимизга қўшилади.

Машҳур турк ижодкори, таниқли продюсер ва сценарий муаллифи Маҳмуд Бўздоғ ҳамда “Бўздоғ-фильм” ижодкорларининг турк ва ўзбек кино санъати намояндалари билан ҳамкорлигида яратилган, буюк саркарда ва сўнгги хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди ҳаёти ва унинг мўғуллар босқинига қарши курашига бағишланган “Мендирман Жалолиддин” сериалининг жаҳон кино санъати дурдонаси сифатида намойиш этилиши ҳам икки халқ санъатининг муаззам кўриниши экани эътироф этилди. Қадимий ва навқирон Хива шаҳримизнинг “Туркий дунё маданияти пойтахти” деб эълон қилингани эса навбатдаги суҳбатимизга мавзу бўлади.

Орифларнинг теран ҳикмати, олимларнинг фидокорона меҳнати ва комил таълим-тарбия тизими келгусида икки буюк халқнинг бағридан яна янги-янги Алишер Навоийлар, мавлоно Румийлар, Мирзо Улуғбеклар, Ибн Синолар ва Юнус Эмроларни етиштиришига ҳамда уларни бутун дунёга танитишига ишончимиз катта. Зеро, бугунги кунда берилган соғлом таълим ва илғор тарбия эртанги куннинг буюк кашфиётлари, маънавий юксалишлари ва цивилизацияларо мулоқоти учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Инсонларни чегаралар ажратиб туради, санъат ва адабиёт эса бирлаштиради. Илму фан олимларимизни маърифий ва илмий мулоқотларга чорлайди, бу мулоқотлардаги илмий натижалар эса ҳар икки халқнинг тафаккури ва дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилади.

Зиёлилар бирлашса, кўнгиллар яқин бўлса, йўллар қисқаради. Истеъдод эгаларининг ойдин сафарлардаги ёрқин фаолиятлари маданият, маърифат ва санъатнинг олтин занжирлари бўлиб элларни яқинлаштиради, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик эса ватан равнақига хизмат қилади!

Шу шарафли вазифага хизмат қилмоқ ҳаётимизнинг мазмуни бўлмоғи керак!

Инсонларни чегаралар ажратиб туради, санъат ва адабиёт эса бирлаштиради. Илму фан олимларимизни маърифий ва илмий мулоқотларга чорлайди, бу мулоқотлардаги илмий натижалар эса ҳар икки халқнинг тафаккури ва дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилади.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-1046.
29213 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Юнус Бўронов
Мусаҳҳиҳ: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98
E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05
Девонхона ва ишонч телефони: (71) 233-56-60
“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
ЎзА якуни — 00:10 Топширилди — 03:55